БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 180 (1442)
12 СЕНТЯБРЬ ШАНБА 1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

МАШИНАЛАР ИШГА ТУШДИ

БЎКА, (Телефон орқали олинди). «Бўка» совхозининг ишчилари ва механизаторлари пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Шу кунларда совхозда йиғим-терим қизғин тус олди. Совхозда бу йил 700 гектар ернинг пахтасини машинада териб олиш планлаштирилган. Ғўза баргини тўкиш ишлари эрта муддатларда бошланиб, сифатли ўтказилмоқда. Механизаторлар ўз агрегатларини теримга пухта созладилар.

Пайшанба куни совхознинг, 1-бўлимидаги ўртоқ Қ. Турсунқулов бригадасида машина терими бошлаб юборилди: 3 та СХМ — 48 М машиналари ишга туширилди. Механизаторлардан Сулаймон Мирзаахмедов дастлабки кундаёқ юқори кўрсаткичга эришди. У машина билан 1800 килограмм пахта терди. Шунингдек ўртоқ Шарафиддинов ҳам машинадан муваффақият билан фойдаланиб, 1600 килограмм пахта терди. Жума куни совхоз далаларида ишлаётган машиналарнинг сони 9 га етди.

Механизаторлар бир-бирлари билан мусобақалашиб ишлаб тобора кўп пахта териш учун курашмоқдалар.

Бу йил совхозда машина билан 770 тонна пахта терилади. Механизаторлар мавсумда 80 — 100 тоннадан пахта териш мажбуриятини олиб бу топшириқни ортиғи билан бажариш учун курашмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кадрлар билан ишлашнинг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** доклад қилди.

— Совет ҳақи, — дейди ўртоқ Рашидов, — коммунистик қурилишни кенг авж олдириш улуғвор программасини зўр завқ-шавқ ва ижодий ғайрат билан амалга оширмоқда. Ўзбекистон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари СССРдаги барча қардош халқлар билан биргаликда етти йилликни, 1959 йилги халқ хўжалиги плани ва олинган социалистик мажбуриятларни муддатидан олдин бажариш учун ватанпарварлик ҳаракатини кенгайтирмоқдалар. Республика саноати саккиз ойлик программани муддатидан олдин бажарди, пландан ташқари бир неча миллион сўмлик маҳсулот берилди. Колхоз ва совхозлар дон (шолидан ташқари), қоракўл тери, тухум тайёрлаш ва давлатга сотиш йиллик планларини муддатидан олдин адо этдилар. Ғўшт, сут, жун, пилла ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини тайёрлаш ҳамда сотиш йиллик топшириқлари яқин кунлар ичида бажарилади. Республика колхоз ва совхозларининг далаларида шу кунларда пахта ҳосилини териб олиш қизиб кетди. Дастлабки юз мингларча тонна пахта тайёрлов пунктларига жўнатилди.

— Партиямиз ва Совет давлатининг кўп йиллик тажрибаси шуни ўргатадики, — деб давом қилади ўртоқ Рашидов, — коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш жуда кўп жиҳатдан ташкилий ишларнинг савиясига, партия, давлат ҳамда хўжалик қурилишининг ҳамма соҳаларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш нечоғлик моҳирона уюштирилганлигига боғлиқдир.

Партия ва халқ КПСС XXI съезди қарорларини амалга ошираётган ҳозирги вақтда коммунистик жамият қуриш учун умумхалқ курашининг ташкилотчилари бўлган кадрларнинг роли ва аҳамияти тағин ҳам кўпроқ ошиб кетди. КПСС XXI съезди таъкидлаб ўтдики, кадрлар билан ишлаш янги, тағин ҳам юксакроқ савияга кўтарилиши ҳамда ҳамиша партия, совет ва хўжалик органларининг диққат марказида туриши керак.

Ҳар сафар мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етилган масалалари КПСС Марказий Комитети Пленумларида муҳокама қилинган вақтда партия ташкилотларининг эътибори, албатта кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масаласига қаратилади. КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Никита Сергеевич Хрушчев ўзининг ажойиб нутқларида янги шароитда кадрлар билан ишлаш тўғрисида ленинча позицияда туриб, чуқур асосланган, аниқ ва равшан кўрсатмалар берди.

Докладчи айтадики, Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг оғишмай амалга оширилиши, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг кундалик раҳбарлиги, мамлакатимиздаги барча халқларнинг ва аввало улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами туфайли Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда саноат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг, партия ва давлат қурилишининг турли соҳаларида, фан, маданият ва санъат соҳаларида ишлаётган юқори малакали қадрларнинг кўп сонли армияси вужудга келтирилди.

Ҳозирги вақтда республика халқ хўжалигида олий ва ўрта маълумотли 200 мингга яқин мутахассис ишламоқда, бу, 1941 йилдагидан деярли 4 баравар кўпдир. Республика коммунистик қурилишнинг олдимизда турган вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишга қодир бўлган кадрларга эга. Саноат корхоналарини, колхоз, совхозларни, фан ва маданият муассасаларини, давлатни идора қилиш органларини кадрлар билан мустаҳкамлаш соҳасида талайгина ишлар амалга оширилди.

Қилинган ишнинг самаралари кўзга ташланиб турибди. Аммо иш савиясига партия XXI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми олдинга сурган янги вазифалар нуқтаи назаридан қарасак, партия, совет ва хўжалик органларининг кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги фаолиятларида жиддий нуқсонлар ва камчиликлар борлигини кўрамиз.

Ўртоқ Рашидов республика халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг аҳволига батафсил тўхталиб ўтади.

Коммунистик партия ва унинг ленинча Марказий Комитети тинмай қилаётган ғамхўрлиги туфайли, партиянинг миллий сиёсати оғишмай амалга оширилиши, ватанимиздаги барча халқларнинг ва аввало улуғ рус халқининг ҳамиша қардошлик ёрдами бериб келаётганликлари натижасида Ўзбекистонда Совет ҳокимияти йилларида илгор замонавий техника билан қуролланган кучли саноат барпо қилинди ва у узлуксиз суръатда ривожланмоқда. Республикада 70 дан ортиқ саноат тармоғи, 1300 дан ортиқ йирик корхона, техника билан қуролланган транспорт ва замонавий алоқа воситалари бор.

Саноат, қурилиш ва транспортнинг ривожланиши билан бир қаторда ишчилар синфи ва техника зиёлилари кадрлари ҳам тинмай ўсмоқда. Ҳозирги вақтда халқ хўжалигининг ана шу тармоқларида 400 мингдан ортиқ ишчи ҳамда 40 мингга яқин инженер ва техник ишлаб турибди. Сўнгги йилларда саноат ва қурилишни бошқариш қайта қурилганлиги муносабати билан республика партия органлари ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини кадрлар билан мустаҳкамлашга қарата бирмунча иш қилдилар.

Саноат эришган ютуқлар шакшубҳасизлир. Бироқ, умумий ўртача кўрсаткичлар билан қаноатланиб қолиш ярамайди. Кўпгина саноат корхоналарининг транспорт, қурилиш, алоқа ташкилотларининг ва умуман олганда айрим тармоқларнинг қониқарсиз ишлаётганлиги ана шу кўрсаткичлар соясида яшириниб қолмоқда. Масалан, халқ хўжалик кенгашларига қарашли саноатни олиб кўрайлик. Гарчи бу саноат топшириқларни муттасил бажариб, пландан ташқари кўп миқдорда маҳсулот бериб келаётган бўлса ҳам 30—35 та корхона ой сайин давлат планларини бажармаслан келмоқда. Кўп завод ва фабрикалар ассортимент бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, таннархини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқларини ва бошқа техника-иқтисодий кўрсаткичларни кўпинча бажармайдилар.

Тажриба шуни кўрсатадики, қаерда кадрлар яхши танланган ва жой-жойига қўйилган бўлса, қаерда кадрларга зарур ғамхўрлик қилинса, ўша ерда кишилар ижодий меҳнат қиладилар, ишлаб чиқаришда муваффақиятларга эришадилар. Бунинг аксича кадрлар билан ишлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилса, ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда жиддий ўпирилишлар юз беришига сабаб бўлади. Бу жиҳатдан икки корхонани — «Чирчиксельмаш» ва «Ташсельмаш» заводларини бир-бирига таққослаб кўриш характерлидир.

«Чирчиксельмаш» заводида инженер-техник ходимлар ишнинг кўзини билиб танланган ва жой-жойига қўйилган, уларнинг кўпи ўз иш малакасини муттасил ошира боради, олий ўқув юртларида ва техникумларда ўқийди. Корхонага қобилиятли ташкилотчи коммунист ўртоқ Белов бошчилик қилиб келмоқда, илгари у шу заводнинг бош инженери эди. Заводда ишлаб чиқаришни уюштиришни яхшилаш, илғор технологияни жорий қилиш, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш соҳасида катта ишлар қилинган. Маҳсулотнинг бир қанча янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Завод ишлаб чиқариш планларини муттасил равишда бажармоқда, техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшиламоқда.

Тошкентдаги қишлоқ хўжалик машинасозлик заводида эса аҳвол тамоман бошқача. Корхона бир неча йилдан буён пахта териш техникаси ишлаб чиқариш планини бажармайди. Заводнинг қолоқлигига сабаб нима, нега у оғир ўпирилишда қолди? Корхона раҳбарлари кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга ғамхўрлик қилмайдилар, юксак унумли ишлаш учун уларга зарур шарт-шароитларни яратиб бермайдилар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан астойдил шуғулланмайдилар. Ўртоқ Оттигашев пахта териш техникаси ишлаб чиқариш давлат топшириғини барбод берганлиги учун директорлик вазифасидан олиб ташланди. Корхона раҳбарлигини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди.

Ўртоқ Рашидов КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қўйган вазифалар жуда катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапириб айтадики, техника тараққиёти учун умумхалқ юриши эълон қилинган бир шароитда барча хўжалик ходимларимизга ва аввало корхона раҳбарларига нисбатан тобора катта талаблар қўйилмоқда. Бизда техникани яхши биладиган, техника тараққиёти вазифаларини амалга оширишга қодир бўлган ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчилари кўп.

Вазифа — саноат корхоналарини, транспорт, алоқа ва қурилишларни замонавий техникани яхши биладиган малакали кадрлар, мутахассислар билан зўр бериб мустаҳкамлашдан иборатдир. Ишлаб чиқаришнинг қуйи командирлари — мастерлар, участка бошлиқлари, прорабларнинг роли ва масъулиятини ошириш керак.

Партия, совет ва хўжалик органлари мутахассислардан тўғри фойдаланиш уларнинг бир жойда мустаҳкамланиб қолиши ва ўсиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш ҳақида яхши ғамхўрлик қилмаётирлар. Кейинги вақтларда Самарқандаги «Красный двигатель» заводига юборилган 59 ёш мутахассиснинг ярмидан озроғи шу корхонада ишлаб қолди. Қўқон ёғ-экстракт заводига икки йил мобайнида 24 техник ишга юборилган бўлса, 26 техник ишдан кетиб қолган. Инженер ва техникларнинг қўнимсизлиги қурилиш ташкилотларида айниқса жуда кўп.

Оммавий ишчи кадрларнинг малакасини ошириш ҳозирги шароитда тобора катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Иш манфаатлари шуни тақоза этадики, хўжалик органлари ва партия ташкилотлари ишчиларни курсларда, сиртқи ва техника ўқув юртларида ўқитиш орқали, илғор тажрибаларни ва меҳнатнинг прогрессив методларини ёйиш йўли билан, уларнинг малакасини ошириш иши билан жиддий шуғулланишлари керак. Меҳнат резервларига қарашли билим юртлари ва мактаблар халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаб беришда катта ўрин тутади.

— Коммунистик партия, Владимир Ильич Ленин, — дейди ўртоқ Рашидов, — саноат пролетариатининг миллий кадрларини шакллантиришга ҳамиша зўр аҳамият бериб, бу ишни ўтмишда қолоқ бўлган чекка ўлкаларда индустрияни ривожлантириш, ана шу ўлкаларнинг социалистик экономикаси ва маданиятини юксалтиришнинг муҳим омили, деб қараб келдилар.

Бошқа иттифоқчи республикаларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам Совет ҳокимияти йилларида улуғ рус халқининг доимий ёрдами остида ажойиб ишчилар синфи отряди ва халқ техника зиёлилари вужудга келтирилди. Бу—Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг жуда катта ғалабасидир.

Бундан кейин ҳам шаҳарлик ва қишлоқлик ёшларни саноатга, транспорт ва қурилишга кенг тортиш, уларнинг ишлаб чиқаришда ўрнашиб қолиши учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш керак.

Етти йиллик учун олиб борилаётган умумхалқ курашқ меҳнатни ташкил этишнинг янги формаларини бунёдга келтирмоқда. Бутун мамлакатда, шу жумладан бизнинг республикамизда ҳам коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларининг ҳаракати кун сайин авж олмоқда. Ана шу юксак ва фаҳрли унвонни олиш учун мусобақага ҳозирдаёқ 2600 бригада қўшилди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентина Гаганованинг ажойиб ватанпарварлик ташаббуси ҳамма жойда кенг қўллаб-қувватланди. Саноат, транспорт ва қурилишдаги неча юзлаб илғор ходимлар ундан ўрнак олиб, ишлаб чиқаришнинг қолоқ участкаларига ишга ўтдилар.

Партия ташкилотларининг вазифаси — коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларининг ҳаракатини бутун чоралар билан кенгайтириш, Валентина Гаганова ташаббусини кенг ёйиш, шу асосда юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, қолоқ участкаларни илғорлар даражасига кўтариш, ҳар бир корхона, ҳар бир қурилиш, саноат ишлаб чиқаришининг барча тармоқлари давлат планлари ҳамда социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарилишига эришишдан иборатдир.

Ўртоқ Рашидов қишлоқ хўжалигида кадрлар билан ишлашнинг аҳволига тўхталиб, таъкидлаб кўрсатадики, КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин ўтган давр партия ва мамлакат ҳаётида тарихий аҳамиятга эгадир. Бу давр колхоз тузумини, бутун социалистик системамизни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда янги босқич бўлди, бу давр Коммунистик партиянинг бош йўли тантана қилаётганлигига яна бир ёркин далилдир. Бутун совет халқи сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини кескин юксалтиришнинг умумхалқ курашида кўзга кўринарли ютуқларни қўлга киритдилар.

Партия ташкилотлари томонидан кўрилган ва қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш савиясини ошириш, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришнинг қолоқ участкаларини қобилиятли, яхши ташкилотчи кадрлар билан мустаҳкамлаш имконини берган тадбирлар бу муваффақиятларни қўлга киритишда муҳим роль ўйнади. Кейинги йилларда қишлоқ районларига, колхоз ва совхозларга 5 мингдан ортиқ партия ва совет ходими, қишлоқ хўжалик ва саноат мутахассиси ишга юборилди.

Ҳозирги вақтда республика қишлоқ хўжалигида олий ва ўрта махсус маълумотли 17 мингдан ортиқ мутахассис ишлаб турибди. Бу эса 1953 йилгагидан қарийб 3 баравар кўпдир. Колхоз раислари составининг мутахассислари, улар орасида олий, тўлиқ бўлмаган олий ҳамда ўрта маълумотга эга бўлган 511 киши бор. Раисларнинг қарийб учдан иккисини уч йилдан ортиқ мудатдан бери қишлоқ хўжалик артелларига бошчилик қилмоқда. Колхозлардаги бригада бошлиқлари ва чорвачилик ферма мудирларининг составининг бирмунча яхшиланди.

Қишлоқ хўжалигини кадрлар билан мустаҳкамлаш соҳасида талайгина ишлар қилинди. Айниқса қишлоқ хўжалик кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш КПСС XXI съезди олдинга сурган вазифаларга ҳали жавоб бермаётган экан, эришилган муваффақиятлар билан хотиржамланиб қолиш нотўғри бўлар эди. 1958 йилда 367 колхоз гектар бошига 20 центнердан кам пахта топширди. Кўп хўжаликларда чорвачилик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари орқада қолиб кетган. Экономикани тушунмайдиган ва кишиларни чинакам уюштирабилмайдиган бўшанг ходимлар қолоқ хўжаликларга бош бўлиб турибди. Район партия комитетлари ва район ижроия комитетларида бундай раисларни яхши биладилар, уларнинг камчилигини кўриб турадилар ҳатто уларнинг ўрнига бошқа одам қўйиш ҳақида гап ҳам юритадилар, лекин шундай қилишга сира ботинолмайдилар.

Бунинг аксини кўрсатадиган ҳоллар ҳам учрайди. Айрим райкомлар колхоз раҳбарларини ҳадеб алмаштираберишни колхозларни мустаҳкамлашнинг асосий йўли деб биладилар, кўпинча неча марталаб ишнинг расвосини чиқарган ва ўзини кўрсатабилмаган кишиларни бир колхоздан иккинчи колхозга олиб қўяберадилар. Сўнгги беш йил ичида Тошкент область Чиноз районидаги колхозларнинг кўпчилигида рак. ар 4—5 мартадан ўзгартирилди, уларнинг кўпчилиги ўз вазифасига номуносиб, ташкилотчилик қобилияти бўлмаган кишилар эди. Ўтмишда илғор районлардан бири бўлган Чиноз районида сўнгги йилларда пахта ҳосилдорлиги ва пахта етиштириш кескин камайиб кетган экан, бунинг ажабланадиган жойи борми?

Ҳозирги вақтда техника колхозларга сотилганлиги, трактор-далачилик бригадалари барпо этилганлиги, бригадалар ва чорвачилик фермалари мустаҳкамланганлиги муносабати билан ишлаб чиқаришнинг бевосита ташкилотчилари бўлган бригада бошлиқлари ва чорвачилик фермаси мудирларининг роли ҳар қачонгидан ҳам ошиб кетади. Шуниси муҳимки, бригадаларга ва чорвачилик фермаларига комплекс механиза ц и я н и, меҳнатнинг илғор усуллари ва методларини ишлаб чиқаришга жорий этабиладиган, хўжаликни ҳисоб-китоб билан, тежаб-тергаб ва маданий асосда бошқарадиган яхши ташкилотчи кишилар бош бўлиб турмоғи керак.

Барча янги, илғор усулларнинг тарғиботчиси, ишлаб чиқаришнинг ташкилотчиси бўлган мутах а с с и с қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишда катта роль ўйнайди. Республикада қишлоқ хўжалик мутахассисларининг сони анча кўпайди. Шунга қарамай, кўпгина колхоз ҳамда совхозларда ва аввало қолоқ колхоз ва совхозларда инженерлар, агрономлар, зоотехниклар, ветеринария врачлари етишмаётир. Колхоз раислари составида қишлоқ хўжалик мутахассислари 12 процентни ташкил қилади. Бригада бошлиқлари ва чорвачилик ферма мудирлари ўртасида эса қишлоқ хўжалик мутахассислари салкам 6 процентни ташкил этади. Кўпгина қишлоқ хўжалик мутахассислари баъзан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига, ҳатто сира алоқаси бўлмаган турли муассасаларга ва ташкилотларда ўтириб қолганлар.

Қишлоқ хўжалик министрлиги, партия ва совет органлари мутахассисларни жой-жойига қўйиш ишини эътибор билан текшириб чиқишлари, идора ва муассасаларда ўтириб қолган мутахассисларни колхоз ва совхозларга ишга қайтаришлари зарур. Мутахассисларга нотўғри қараш ҳолларига барҳам бериш, ишлаб чиқаришнинг аҳволи учун уларнинг масъулиятини ошириш ва обрўсини кўтариш керак.

Кейинги йилларда янги совхозлар ташкил қилиш соҳасида катта ишлар қилинди. Лекин кўп хўжаликлар ҳали ҳам рентабелли ишламаётир, пахтадан, дон ва бошқа экинлардан кам ҳосил олиб келмоқда, ердан ёмон фойдаланмоқда. Қолоқликда асосий сабаб раҳбар кадрларни ва мутахассисларни танлаш яхши уюштирилмаганлиги, улар тез-тез алмаштириб турилаётганлигидадир.

Область ва район партия комитетлари, Қишлоқ хўжалик министрлиги совхозларга конкрет ёрдам беришлари, уларни 1—2 йил ичида экономикани юксалтиришга қодир бўлган қобилиятли, ташаббускор, малакали мутахассислар, ишчан ташкилотчилар билан мустаҳкамлашлари зарур.

Ҳамма гап кадрларда, яхши ташкилотчилардадир. Буни икки районнинг — Бухоро областидаги Ғиждувон ва Навоий районлари мисолида исботлаб бериш мумкин.

Ғиждувон район партия комитети КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумидан кейин райондаги партия ва совет раҳбар ходимларидан катта бир группасини колхозларга масъулиятли вазифаларга юборди. Райондаги колхоз раисларининг ҳаммаси — коммунистлар. Улардан иккитаси олий, еттитаси — тўлиқ бўлмаган олий ҳамда ўрта маълумотга эга, тўрттаси — қишлоқ хўжалик мутахассиси. Колхоз раислари ўринбосарларининг 80 процентдан кўпроғи олий ва ўрта маълумотли кишилардир. Колхоз кадрлари составининг яхшиланганлиги, райкомнинг ва бошланғич партия ташкилотларининг ташкилий ишларини кучайтирилганлиги хўжаликларнинг натижаларига баракали таъсир кўрсатди. Беш йил мобайнида пахта майдони 800 гектардан кўпроқ кенгайди, гектаридан олинган ҳосил 20 центнердан 24 центнерга кўтарилди, пахта етиштириш эса 6,5 минг тонна кўпайди. Ғўшт, сут, пилла, жун, қоракўл тери ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳам анча ортди.

Навоий районининг аҳволи тамомила бошқача. 10 та колхоз раисидан 6 таси бошланғич маълумотга эга, экономикани дуруст билмайди. Бригада бошлиқлари ва ферма мудирларининг аксарияти чала савод кишилар бўлиб, унинг устига етарли даражада ташкилотчилик қобилияти ҳам йўқ. Шу сабабли Навоий райони колхозларининг хўжалик фаолияти қониқарсиз натижаларга эга бўлиши табиийдир. Бу районда пахта ҳосилдорлиги 1953 йил даражасида қолди ва гектар бошига 19,8 центнер бўлди, ялпи ҳосил атиги 6 процент ортди. Ғўшт, сут, қоракўл тери, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳам деярлик кўпайгани йўқ.

Бу районларнинг кўрсаткичларида бундай катта тафовут борлигининг сабаби нима? Биринчи сабаби аввало шуки, бу районлардаги раҳбарлик савиясида, мазкур район партия комитетларининг кадрлар танлашга бўлган муносабатида катта тафовут бор.

КПСС Марказий Комитети кўрсатаяпти, қишлоқ хўжалигини малакали кадрлар билан янада мустаҳкамлаш, барча партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг ташкилотчилик иш савиясини ошириш — айрим колхозларнинг қолоқлигини битириш, уларни илғорлар даражасига кўтариш, колхозлар ва совхозларнинг хўжалик фаолиятидаги тафовутни йўқотиш ва шу асосда бутун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни кескин юксалтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини вужудга келтиришнинг ҳал қилувчи омилидир.

Қишлоқ ва Сув хўжалиги министрликларида ҳамда уларнинг маҳаллий органларида кадрлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилмаганки, уларнинг бу соҳадаги ишларини жиддий тарзда яхшилаш зарур. Қишлоқ хўжалик министрлигида ва унинг область бошқармаларида кадрлар резерви вужудга келтирилмаган, номуносиб ишлар қилиб қўйгани ва ўз вазифасини уддалайолмагани учун илгари бўшатиб юборилган кишилар кўпинча раҳбарлик лавозимларига тайинлаб қўйилмоқда. Министрлик коллегияси, министр ўртоқ Хонназаров кадрлар танлаш ишига раҳбарлик қилишдан аслида ўзларини четга тортиб олганлар, бу ишга тузукроқ қизиқиб қарамаётирлар.

Республика, область ва район ташкилотларида қишлоқ хўжалик кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг конкрет плани пухта ўйлаб ишлаб чиқилиши керак.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг пахтачиликни комплекс механизациялаш тўғрисидаги қарорида ниҳоятда катта вазифалар олдинга сурилганлиги сабабли механизатор кадрларни — тракторчиларни, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларини ва бошқа ихтисослар бўйича механизаторларни тайёрлаш ва қ а й т а тайёрлаш алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

Докладчи савдо, молия, планлаштириш, маъмурий органларда, соғлиқни сақлаш системасида кадрлар билан ишлашнинг савиясига баҳо бериб ўтади.

Савдо ва умумий овқатланиш ходимларининг состави бироз яхшиланганлигига қарамай, умуман, Савдо министрлиги ва Ўзбекбирлашув системасида кадрлар билан ишлаш қониқарсиз йўлга қўйилган. Партия комитетлари ҳам бу ишни дурустроқ ўрганиб кўрмаётирлар. Бир қанча савдо ташкилотларида раҳбарлик ва моддий жавобгарлик лавозимларига кадрлар танлаш принципи қўпол равишда бузилмоқда. Ишни барбод қилган ходимларни ҳадеб бир савдо ташкилотидан иккинчисига кўчириб қўяверишсингари яроқсиз ва йўл қўйиб бўлмайдиган практика айниқса катта зарар стказмоқда.

Партия ва совет ташкилотлари, биринчи галда Савдо министрлиги ва Ўзбекбирлашув томонидан савдо ходимлари кадрларини танлашга эътиборнинг бўшаштириб қўйилганлиги шунга олиб келдики, бизда давлат ва кооператив маблағларини кўплаб миқдорда исроф қилиш, ўғирлаш ҳоллари содир бўлди.

Бундай шармандалик ҳ о л л а р г а узил-кесил чек қўйиш керак. Партия ташкилотларининг, Савдо министрлиги, Ўзбекбирлашувнинг вазифаси — савдо ва умумий овқатланиш кадрларини синчиклаб ўрганиб чиқишдан, ҳамма жойда ишончга сазовор ва аҳолига маданий хизмат қилабиладиган софдил кишиларнинг ишлашига эришишдан иборатдир.

Ҳозирги шароитда, айниқса, маҳаллий бошқарув органларининг ҳуқуқлари анча кенгайтирилганлиги сабабли молия-банк ва планлаштириш ташкилотларида ишлаётган кадрларнинг роли беқиёс даражада ўсиб кетади. Бу ташкилотларни ўз ишини яхши биладиган, тажрибали ходимлар ва мутахассислар билан мустаҳкамлаш зарур.

Суд, прокуратура, Ички ишлар министрлиги ва милиция органларининг жиноятчиларга, давлат ва кооператив маблағларини таловчиларга карши кураш, жамоат тартибини таъминлаш, социалистик қонунчиликка қаттиқ риоя қилиш соҳасидаги ишларида камчиликлар ва нуқсонларнинг борлиги ана шу органларда кадрлар танлашга яхши эътибор берилмаётганлигини кўрсатади. Биз маъмурий органларни бундан буён ҳам кадрлар билан мустаҳкамлашимиз, бу кадрларнинг тарбиясини анча кучайтиришимиз керак.

Республикада медицина кадрлари тайёрлаш сезиларли даражада яхшиланди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги даволаш—профилактика муассасларида 9 минг врач ҳамда 30 мингдан кўпроқ ўрта маълумотли медицина ходими ишлаб турибди. Лекин бу участкада ҳамма иш жойида, деб бўлмайди. Врач кадрлар одатда йирик шаҳарларда ўрнашиб колмоқда. Ваҳоланки, қишлоқда, айниқса узоқ районларда медицина ходимларига эҳтиёж катта. Соғлиқни сақлаш министрлиги ва шахсан министр ўртоқ Соатов мутахассисларни тақсимлаш билан кам шуғулланаётир.

Соғлиқни сақлаш министрлиги, республика партия ва совет органлари медицина кадрлари тайёрлаш ва тақсимлашни қатъиян яхшилашлари, аҳолига медицина хизмати кўрсатиш даражасини анча кучайтиришлари зарур.

Халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрлашда, — дейди ўртоқ Рашидов, — олий ва ўрта мактаб, совет зиёлиларимизнинг кўп сонли отряди бўлган ўқитувчилар ва профессорлар состави жуда муҳим роль ўйнайди.

Республикада 11 та педагогика институти, икки университет, 6 та педагогика билим юрти бўлиб, улар ўқитувчи кадрлар тайёрлаб бермоқда. Халқ маорифи системасининг кўплаб янги мутахассислари бизга Россия Федерацияси ва Украинадан юборилмоқда. Сўнгги тўрт йил мо-

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлигининг тақдимига мувофиқ пахта териш ва давлатга сотиш юзасидан 1 сентябрдан 10 сентябргача областлар ўртасидаги социалистик мусобақа якуни материалларини кўриб чиқиб **қарор қилдилар:**

1. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи **Қашқадарё областига** берилсин (Область партия комитетининг секретари ўртоқ **Ғуломов,** область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Раҳматуллаев,** область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Ҳаҳбердиев,** область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Грибов,** совхозлар трестининг директори ўртоқ **Ҳолиқулов),** бу область давлатга 10 кунда давлат планининг 22,6 процентн миқдорида пахта сотган ва йиллик планни 24,4 процент бажарган.

2. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи **Наманган областига** берилсин (Область партия Комитетининг секретари ўртоқ **Тоиров,** область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Муродов,** область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Назаров,** область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Нишонов,** совхозлар трестининг директори ўртоқ **Адашов,** пахта тайёрлаш трестининг директори ўртоқ **Нуъмонов),** бу область давлатга 10 кунда давлат планининг 7,6 процентн миқдорида пахта сотган ва йиллик планни 7,6 процент бажарган.

3. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи **Самарқанд областига** берилсин (Область партия Комитетининг секретари ўртоқ **Маҳмудов,** область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Азимов,** область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Аслиддинова,** область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Абдуқодиров,** совхозлар трестининг директори ўртоқ **Каримов),** бу область давлатга 10 кунда давлат планининг 10,1 процентн миқдорида пахта сотган ва йиллик планни 10,2 процент бажарган.

4. Ўзбекистон ССР Молия министрлиги пахта теримида намуна кўрсатган колхозчиларни, совхоз ва РТС ишчиларини, пахта териш машиналарининг механик ҳайдовчиларини ва тайёрлаш органларининг ходимларини мукофотлаш учун Қашқадарё, Наманган ва Самарқанд область ижроия комитетлари ихтиёрига 25 минг сўмдан пул юборсин.

5. Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги пахта териш ва давлатга сотишда олдинда бораётган колхоз ва совхозларга сотиш учун Қашқадарё, Наманган ва Самарқанд область ижроия комитетлари ихтиёрига 20 тадан юк автомашинаси ва иккитадан енгил автомашина юборсин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

байнида олий маълумотли ўқитувчилар сони қарийб икки баравар кўпайди.

Шу билан бирга халқ маорифи кадрлари тайёрлаш ва тақсимлашда бизда жиддий камчиликлар борки, улар ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашга ёмон таъсир кўрсатмоқда. Ўз билим савияси жиҳатидан ўқитувчилик унвонига муносиб бўлмаган анчагина кишилар педагогика ишида ишлаб келмоқда. Олий ўқув ва билим юртларини битириб чиққан айрим ўқитувчилардан бошқа ишларда фойдаланилаётир.

Маориф министрлиги, партия органлари ўқитувчи кадрларни тақсимлаш ва тарбиялаш ишини тўғри уюштиришлари, мактаб-интернатларни тажрибали педагоглар билан мустаҳкамлашга ҳаракат қилишлари керак.

Олий таълимни ривожлантириш соҳасида маълум ютуқларга эришилди. Республикадаги олий ва ўрта ўқув юртлари яқин йиллар ичида халқ хўжалигининг мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қодирдир. Бироқ ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича мутахассислар тайёрлашни планлаштиришда шу чоққача катта нуқсонларга йўл қўйиб келинди. Госплан ва министрлик мутахассислар тайёрлаш ва тақсимлаш ишини чуқур ўрганмадилар. Партия органларининг вазифаси — мутахассислар тайёрлаш ва тақсимлашни планлаштиришга фаол суратда аралашишлари, ишларини дурустлаштиришлари, журналистларнинг маҳоратини ўстириш, матбуотнинг омма билан алоқасини кенгайтириш, ишчи-қишлоқ мухбирлари харакатини ривожлантириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилишлари керак.

Ўзбекистон партия ташкилоти, —деб давом этади докладчи,—КПСС Марказий Комитети кўрсатмаларига амал қилиб, партия ва давлат аппаратининг структурасини такомиллаштириш, партия ва совет ходимларининг сифат составини яхшилашга оид катта ишларни амалга оширди.

Сўнгги вақтларда Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари район звеносини кадрлар билан мустаҳкамлаш юзасидан бир қанча тадбирларни кўрдилар. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумидан кейин республика ва область активларидан 300 дан ортиқ киши қишлоқ районларига ишга юборилди. Районларни йириклаштириш, 33 та кичик районни тугатилгани районлардаги раҳбар кадрларни ишга катта фойда етказадиган қилиб, жой-жойига қўйиш имкониятини берди.

Лекин район звеносини мустаҳкамлаш вазифаси ҳали тўлиқ ҳал қилинган эмас. Район ва шаҳар партия комитетларида, район ва шаҳар ижроия комитетларида қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришини дуруст билмайдиган, кишиларни чинакам уюштиролмаган талайгина бўшанг ходимлар бор. Шаҳар ва қишлоқ районларида мутахассислар партия раҳбарлик ишларига кам кўтарилмоқда.

Масалан, Киров райони Фарғона областида энг қолоқ район эканлиги маълум. Аммо бу районда райкомнинг биринчи секретари ва райижроком раиси тез-тез ўзгартириб келинган. Фарғона областининг иккинчи бир қолоқ райони бўлган Фрунзе районида эса сўнгги олти йил мобайнида район партия комитетининг биринчи секретари тўрт марта ва иккинчи секретари етти марта ўзгартирилган, 1955 йилдан бери райижрокомга 5 та раис келиб кетган. Қолоқ районларда раҳбар кадрлар кўпинча уларнинг ишчанлик ва сиёсий фазилатларини синчиклаб ўрганмасдан туриб танланади.

Партия ва давлат аппаратининг барча звеноларини ҳақиқатан ҳам кадрлар билан мустаҳкамлаш амалда таъминламоқ учун ёш кучларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш, кадрларнинг мустаҳкам резервини вужудга келтириш тўғрисида бенихоя кўп ғамхўрлик қилишимиз керак.

Партия органларида партия комитетларининг иккинчи секретарлари ва секретарлари, бошқа ташкилотларда эса раҳбарларнинг ўринбосарлари юқори кўтариш учун яқин турган резерв ҳисобланади. Лекин ҳақиқатда кўпинча шундай бўладики, партия комитетларининг секретарлари, ижроком раислари ҳамда бошқа совет ва хўжалик органлари раҳбарларининг ўринбосарлари лавозимига ходимнинг бундан буёнги кўтарилиш истиқболини ҳисобга олмай туриб, одам танланади. Ана шу категориядаги ходимлар составида турмушдан орқада қолган, истиқболи бўлмаган кишилар оз эмас.

Комсомол — кадрларнинг муҳим резервидир. Бироқ, партия ташкилотлари комсомол ходимларини партия, совет ва хўжалик ташкилотларига етарли даражада кўтармаётирлар. Бунга сабаб бир жиҳатдан ёш кадрларга етарли баҳо берилмаётганлиги бўлса, иккинчи жиҳатдан комсомол ишига кўпинча қаётий, ишлаб чиқариш тажрибаси бўлмаган, кўп ҳолларда эса мактабни кечагина битирган одамлар кўтариб қўйилаётганлигидир.

Бизда ёш кадрларни кўтариш вақтида ҳадиксираш ҳоллари тез-тез учраб туришини айтиб ўтиш керак. Масалан, Сурхондарё областида район партия комитетларининг биринчи секретарлари ва райижроком раислари орасида 30 ёшга етмаган бironта киши йўқ. Хоразм областида ҳам аҳвол шундай.

Ёш ходимларни кўтариш ҳақида гап борганида биз КПСС XXI съезднинг қарорларига, Никита Сергеевич Хрушчевнинг ёш кадрларни кекса кадрлар билан тўғри боғлаб олиб бориш ҳамда бирини иккинчисига қарши қўйишга йўл қўймаслик ҳақидаги кўрсатмаларига оғишмай амал қилишимиз керак. Хотин-қиз кадрлар партия, совет ва хўжалик ишларининг турли соҳаларига кўтариш учун катта резервдир. Бироқ область, шаҳар ва район партия комитетлари кейинги вақтларда хотин-қиз кадрларни танлаш ва кўтаришга эътиборни сусайтириб қўйдилар. Партия ташкилотларининг вазифаси — хотин-қиз кадрларни тарбиялашни кучайтириш, хотин-қиз кадрларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришга тўсқинлик қилаётган айрим раҳбарларнинг қолоқ қарашларига барҳам беришдан иборат. Марказий Комитет, область, шаҳар ва район партия комитетлари газета ва журнал редакцияларини, радио ва телевиденени бундан буён ҳам малакали кадрлар билан мустаҳкамлаб боришлари, журналистларнинг маҳоратини ўстириш, матбуотнинг омма билан алоқасини кенгайтириш, ишчи-қишлоқ мухбирлари харакатини ривожлантириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилишлари керак.

Ўзбекистон партия ташкилоти, —деб давом этади докладчи,—КПСС Марказий Комитети кўрсатмаларига амал қилиб, партия ва давлат аппаратининг структурасини такомиллаштириш, партия ва совет ходимларининг сифат составини яхшилашга оид катта ишларни амалга оширди.

Сўнгги вақтларда Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари район звеносини кадрлар билан мустаҳкамлаш юзасидан бир қанча тадбирларни кўрдилар. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумидан кейин республика ва область активларидан 300 дан ортиқ киши қишлоқ районларига ишга юборилди. Районларни йириклаштириш, 33 та кичик районни тугатилгани районлардаги раҳбар кадрларни ишга катта фойда етказадиган қилиб, жой-жойига қўйиш имкониятини берди.

Лекин район звеносини мустаҳкамлаш вазифаси ҳали тўлиқ ҳал қилинган эмас. Район ва шаҳар партия комитетларида, район ва шаҳар ижроия комитетларида қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришини дуруст билмайдиган, кишиларни чинакам уюштиролмаган талайгина бўшанг ходимлар бор. Шаҳар ва қишлоқ районларида мутахассислар партия раҳбарлик ишларига кам кўтарилмоқда.

Масалан, Киров райони Фарғона областида энг қолоқ район эканлиги маълум. Аммо бу районда райкомнинг биринчи секретари ва райижроком раиси тез-тез ўзгартириб келинган. Фарғона областининг иккинчи бир қолоқ райони бўлган Фрунзе районида эса сўнгги олти йил мобайнида район партия комитетининг биринчи секретари тўрт марта ва иккинчи секретари етти марта ўзгартирилган, 1955 йилдан бери райижрокомга 5 та раис келиб кетган. Қолоқ районларда раҳбар кадрлар кўпинча уларнинг ишчанлик ва сиёсий фазилатларини синчиклаб ўрганмасдан туриб танланади.

Партия ва давлат аппаратининг барча звеноларини ҳақиқатан ҳам кадрлар билан мустаҳкамлаш амалда таъминламоқ учун ёш кучларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш, кадрларнинг мустаҳкам резервини вужудга келтириш тўғрисида бенихоя кўп ғамхўрлик қилишимиз керак.

Партия органларида партия комитетларининг иккинчи секретарлари ва секретарлари, бошқа ташкилотларда эса раҳбарларнинг ўринбосарлари юқори кўтариш учун яқин турган резерв ҳисобланади. Лекин ҳақиқатда кўпинча шундай бўладики, партия комитетларининг секретарлари, ижроком раислари ҳамда бошқа совет ва хўжалик органлари раҳбарларининг ўринбосарлари лавозимига ходимнинг бундан буёнги кўтарилиш истиқболини ҳисобга олмай туриб, одам танланади. Ана шу категориядаги ходимлар составида турмушдан орқада қолган, истиқболи бўлмаган кишилар оз эмас.

Комсомол — кадрларнинг муҳим резервидир. Бироқ, партия ташкилотлари комсомол ходимларини партия, совет ва хўжалик ташкилотларига етарли даражада кўтармаётирлар. Бунга сабаб бир жиҳатдан ёш кадрларга етарли баҳо берилмаётганлиги бўлса, иккинчи жиҳатдан комсомол ишига кўпинча қаётий, ишлаб чиқариш тажрибаси бўлмаган, кўп ҳолларда эса мактабни кечагина битирган одамлар кўтариб қўйилаётганлигидир.

Бизда ёш кадрларни кўтариш вақтида ҳадиксираш ҳоллари тез-тез учраб туришини айтиб ўтиш керак. Масалан, Сурхондарё областида район партия комитетларининг биринчи секретарлари ва райижроком раислари орасида 30 ёшга етмаган бironта киши йўқ. Хоразм областида ҳам аҳвол шундай.

Ёш ходимларни кўтариш ҳақида гап борганида биз КПСС XXI съезднинг қарорларига, Никита Сергеевич Хрушчевнинг ёш кадрларни кекса кадрлар билан тўғри боғлаб олиб бориш ҳамда бирини иккинчисига қарши қўйишга йўл қўймаслик ҳақидаги кўрсатмаларига оғишмай амал қилишимиз керак. Хотин-қиз кадрлар партия, совет ва хўжалик ишларининг турли соҳаларига кўтариш учун катта резервдир. Бироқ область, шаҳар ва район партия комитетлари кейинги вақтларда хотин-қиз кадрларни танлаш ва кўтаришга эътиборни сусайтириб қўйдилар. Партия ташкилотларининг вазифаси — хотин-қиз кадрларни тарбиялашни кучайтириш, хотин-қиз кадрларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришга тўсқинлик қилаётган айрим раҳбарларнинг қолоқ қарашларига барҳам беришдан иборат. Марказий Комитет, область, шаҳар ва район партия комитетлари газета ва журнал редакцияларини, радио ва телевиденени бундан буён ҳам малакали кадрлар билан мустаҳкамлаб боришлари, журналистларнинг маҳоратини ўстириш, матбуотнинг омма билан алоқасини кенгайтириш, ишчи-қишлоқ мухбирлари харакатини ривожлантириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилишлари керак.

Масалан, Киров райони Фарғона областида энг қолоқ район эканлиги маълум. Аммо бу районда райкомнинг биринчи секретари ва райижроком раиси тез-тез ўзгартириб келинган. Фарғона областининг иккинчи бир қолоқ райони бўлган Фрунзе районида эса сўнгги олти йил мобайнида район партия комитетининг биринчи секретари тўрт марта ва иккинчи секретари етти марта ўзгартирилган, 1955 йилдан бери райижрокомга 5 та раис келиб кетган. Қолоқ районларда раҳбар кадрлар кўпинча уларнинг ишчанлик ва сиёсий фазилатларини синчиклаб ўрганмасдан туриб танланади.

Партия ва давлат аппаратининг барча звеноларини ҳақиқатан ҳам кадрлар билан мустаҳкамлаш амалда таъминламоқ учун ёш кучларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш, кадрларнинг мустаҳкам резервини вужудга келтириш тўғрисида бенихоя кўп ғамхўрлик қилишимиз керак.

Партия органларида партия комитетларининг иккинчи секретарлари ва секретарлари, бошқа ташкилотларда эса раҳбарларнинг ўринбосарлари юқори кўтариш учун яқин турган резерв ҳисобланади. Лекин ҳақиқатда кўпинча шундай бўладики, партия комитетларининг секретарлари, ижроком раислари ҳамда бошқа совет ва хўжалик органлари раҳбарларининг ўринбосарлари лавозимига ходимнинг бундан буёнги кўтарилиш истиқболини ҳисобга олмай туриб, одам танланади. Ана шу категориядаги ходимлар составида турмушдан орқада қолган, истиқболи бўлмаган кишилар оз эмас.

Комсомол — кадрларнинг муҳим резервидир. Бироқ, партия ташкилотлари комсомол ходимларини партия, совет ва хўжалик ташкилотларига етарли даражада кўтармаётирлар. Бунга сабаб бир жиҳатдан ёш кадрларга етарли баҳо берилмаётганлиги бўлса, иккинчи жиҳатдан комсомол ишига кўпинча қаётий, ишлаб чиқариш тажрибаси бўлмаган, кўп ҳолларда эса мактабни кечагина битирган одамлар кўтариб қўйилаётганлигидир.

Бизда ёш кадрларни кўтариш вақтида ҳадиксираш ҳоллари тез-тез учраб туришини айтиб ўтиш керак. Масалан, Сурхондарё областида район партия комитетларининг биринчи секретарлари ва райижроком раислари орасида 30 ёшга етмаган бironта киши йўқ. Хоразм областида ҳам аҳвол шундай.

Ёш ходимларни кўтариш ҳақида гап борганида биз КПСС XXI съезднинг қарорларига, Никита Сергеевич Хрушчевнинг ёш кадрларни кекса кадрлар билан тўғри боғлаб олиб бориш ҳамда бирини иккинчисига қарши қўйишга йўл қўймаслик ҳақидаги кўрсатмаларига оғишмай амал қилишимиз керак. Хотин-қиз кадрлар партия, совет ва хўжалик ишларининг турли соҳаларига кўтариш учун катта резервдир. Бироқ область, шаҳар ва район партия комитетлари кейинги вақтларда хотин-қиз кадрларни танлаш ва кўтаришга эътиборни сусайтириб қўйдилар. Партия ташкилотларининг вазифаси — хотин-қиз кадрларни тарбиялашни кучайтириш, хотин-қиз кадрларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришга тўсқинлик қилаётган айрим раҳбарларнинг қолоқ қарашларига барҳам беришдан иборат. Марказий Комитет, область, шаҳар ва район партия комитетлари газета ва журнал редакцияларини, радио ва телевиденени бундан буён ҳам малакали кадрлар билан мустаҳкамлаб боришлари, журналистларнинг маҳоратини ўстириш, матбуотнинг омма билан алоқасини кенгайтириш, ишчи-қишлоқ мухбирлари харакатини ривожлантириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилишлари керак.

Ўзбекистон партия ташкилоти, —деб давом этади докладчи,—КПСС Марказий Комитети кўрсатмаларига амал қилиб, партия ва давлат аппаратининг структурасини такомиллаштириш, партия ва совет ходимларининг сифат составини яхшилашга оид катта ишларни амалга оширди.

Сўнгги вақтларда Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари район звеносини кадрлар билан мустаҳкамлаш юзасидан бир қанча тадбирларни кўрдилар. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумидан кейин республика ва область активларидан 300 дан ортиқ киши қишлоқ районларига ишга юборилди. Районларни йириклаштириш, 33 та кичик районни тугатилгани районлардаги раҳбар кадрларни ишга катта фойда етказадиган қилиб, жой-жойига қўйиш имкониятини берди.

Лекин район звеносини мустаҳкамлаш вазифаси ҳали тўлиқ ҳал қилинган эмас. Район ва шаҳар партия комитетларида, район ва шаҳар ижроия комитетларида қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришини дуруст билмайдиган, кишиларни чинакам уюштиролмаган талайгина бўшанг ходимлар бор. Шаҳар ва қишлоқ районларида мутахассислар партия раҳбарлик ишларига кам кўтарилмоқда

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(Боши биринчи ва иккинчи бетларда)

— Комсомоллар, республиканинг барча ёшлари,— деди Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **М. Иброҳимов,**— етти йиллик планни бажариш учун зўр ижодий ғайрат билан кураш олиб бормоқдалар. Ўзбекистон комсомоли янги йирик қурилишларни ўз оталигига олган. Ҳамма ерда ёшларнинг ташаббускорлигини кўриш мумкин. Бу йил қишлоқ комсомол ташкилотлари пахтани машинада теришни оталикка олдилар.

Комсомол ташкилотлари фаолиятининг қисман яхшиланганлигига сабаб, раҳбарликка ёшлар ўртасида дуруст обрўга эга бўлган ёш активлар тайин этилди. Бироқ, ҳали комсомол комитетларини муносиб кадрлар билан мустаҳкамлаш иши тўла-тўкис амалга оширилди деб бўлмайди. Бир мунча жойларда кадрлар резерви, комсомол ишларига қизларни кўтариш ишига етарли баҳо берилмайди. Айрим жойларда эса ёш кадрларни дадиллик билан кўтаришдан чўчийдилар.

Нотиқ ёш кадрларни тақсимлаш ишини тартибга солиш ҳамда 10-синфни битириб чиқаётганларни ишга жойлаштириш масаласини кўяди.

Тошкент область партия комитетининг секретари ўртоқ **С. М. Веселов** мутахассислардан фойдаланишда йўл қўйилаётган жиддий камчиликларни бартараф қилишга эътиборни жалб этади. Область партия комитети ўтказган текшириш кўпгина агрономларнинг ўз касбига мутлақо алоқаси бўлмаган ишга ўралашиб қолганликларини кўрсатди. Ҳолбуки, қишлоқ хўжалик органларидаги бир қанча мутахассислик лавозимларида махсус маълумоти бўлмаган ходимлар ишлаяпти. Ҳозир шаҳарлардаги агрономларнинг кўпчилигини колхоз ва совхозларга юбориш чоралари кўрилмоқда.

Нотиқ капитал қурилиш топшириқларининг қониқарсиз бажарилаётганлиги тўғрисида гапириб, Қурилиш министрлиги ва министр ўртоқ Иброҳимовнинг кадрлар танлаш иши билан суст шуғулланаётганлигини, ишни расво қилган ходимларнинг ёнини олаётганлигини, ходимларни тайинлаш вақтида баъзан партия ташкилотларининг фикрини инобатга олмаётганлигини таъкидлайди.

— Бизда гоҳо шундай ходимлар ҳам учраб қоладики,— деб давом этади ўртоқ Веселов,— улар ўзларини қамтар тутмайдилар, ўз хизмат мавқеиларини суиистъмол қиладилар, ўз зиммаларидаги давлат бурчини ўташ тўғрисида эмас, балки кўпроқ ўз шахсий фароғатлари ҳақида жон қуйдирадилар. Дубдурут уй-жойлари бўлган ва бундан яхшисига эҳтиёжлари бўлмаган баъзи раҳбарлар уй қуриш пайига тушиб кетдилар.

Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари **О. Ҳакимов** область халқ хўжалигининг кадрларга бўлган эҳтиёжи ошганлиги тўғрисида гапириб, республика органлари олдига бир қанча ҳақли талаблар қўйди.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари **Н. Маҳмудов** Қорақалпоғистонда жуда кўп кадрлар ўсиб етишганлигини, улар ҳозир хўжалик ва маданий қурилишда самарали ишлаётганлигини таъкидлади.

— Пойтахт партия ташкилоти,— деди Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Ф. Хўжаев,** — хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳал қилувчи участкаларини малакали кадрлар билан мустаҳкамлашга эришмоқда. Уларни янги билим, илғор тажрибалар билан бойитиш ва техник программанинг бажарилишини таъминлаш мақсадида илмий-техник конференциялар, семинарлар ўтказилаётир. Валентина Гаганованинг тажрибасини меҳнаткашлар қизғин қўллаб-қувватлади. 100 дан ортиқ киши қолоқ участкаларга ўтиб ишлай бошлади. Шу билан бирга, нотиқнинг қайд қилишича, кадрлар билан ишлаш ҳали талабдагидек эмас. Ходимларни танлашда партиявий принципларга ҳамма вақт ҳам қатъий амал қилинмоқда деб бўлмайди. Айрим раҳбарлар ҳаётдан орқада қолиб кетдилар, улар ўзларига топширилган ишни уддалай олмаётирлар, партия ва совет органлари эса кўпинча уларга нисбатан принципсизлик қилмоқдалар. Кўпгина ҳолларда раҳбарлик лавозимларига ишни расво қилган кишилар тайинланмоқда.

Контролнинг йўқлиги, анқовлик ва бепарволик натижасида айрим савдо ташкилотларида, автобазаларда ва матлубот кооперацияси артелларида юлғичлар ҳар хил найрангларни қилмоқдалар, социалистик мулкни юлқиб кетмоқдалар. Тошкент университетида, «Намуна» артелида, 1-2-автобазаларда, Сталин номидаги маданият ва истироҳат боғида жиноий ишлар содир бўлганлиги аниқланди. Ўғирликка, порахўрликка қарши курашни кучайтириш зарур.

Ўзбекистон ССР прокурори **Н. Ёқубов** социалистик қонунчиликка қатъий амал қилиш, қонунларни бузувчиларга қарши яна ҳам шафқатсизроқ курашиш, социалистик мулкни талон-тарож қилувчиларга, давлат манфаатларига катта зиён етказувчиларга қарши курашни кучайтириш зарурлиги тўғрисида гапирди.

Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари **М. Раҳмонов** ўз нутқини кадрларнинг ўсганлигига, қолоқ колхозларни тажрибали, миришкор ташкилотчилар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан мустаҳкамлаш масалаларига бағишлади.

Тошкент Олий партия мактабининг директори **А. К. Доленко** партия, совет ва матбуот кадрларини тайёрлаш сифатини ошириш масалаларига тўхталиб ўтди.

Ўртоқ Доленко мактаб ишини яхшилаш, ўқишга юбориладиган кишиларни синчиклаб танлаш, ўқув программасига аниқликлар киритиш, ўқув хўжалигини ташкил этиш, сиртдан ўқувчилар учун жойларда қулай шароит яратиш зарурлиги тўғрисида гапирди.

Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари **М. Ғуломов** сўнгги йилларда область хўжалик ва маданий қурилишда айрим муваффақиятларга эришганлигини таъкидлади.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Ҳар кун, ҳар соатдан унумли фойдаланиб, терим суръатини кучайтирайлик!

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Область колхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1959 йил 11 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Колхозларнинг номи	Мавсум бошидан бери	Колхоз раиси	Партия ташкилотининг секретари	Қайси райондан
1. Сталин номли	19,2	Д. Сафаров	Т. Болғабоев	Қуйи Чирчиқ
2. Тельман номли	16,1	Х. Эгамқулов	М. Рустамов	Пискент
3. «Гулистон»	15,3	И. Ҳайдаров	А. Эргашев	Пискент
4. Калинин номли	14,8	А. Турсунов	А. Марасулов	Пискент
5. «Коммунизм»	14,1	Т. Латипов	А. Қурбонов	Боёвут
6. Хрушчев номли	12,9	Х. Абдиқулов	Н. Қосимов	Пискент
7. «Правда»	12,6	Х. Жумабоев	А. Ёриев	Сирдарё
8. Сталин номли	12,5	М. Литвинов	Р. Ўрозов	Пискент
9. Энгельс номли	12,3	А. Холжигитов	А. Ниёзов	Пискент
10. Жданов номли	12,1	А. Дўсбеков	Х. Ражабов	Пискент
11. Ильич номли	11,3	У. Жарқинбоев	Б. Ражабов	Бўка
12. «Ленинобод»	11,3	М. Юнусов	К. Эгамбердиев	Оққўрғон
13. «Озод»	10,8	Ю. Азимов	И. Содиқов	Оққўрғон
14. Красин номли	10,6	Б. Жумабоев	Д. Дўйсенов	Қуйи Чирчиқ
15. «Победа»	10,3	Р. Абдураҳимов	А. Хожимирзаев	Бекобод
16. Карл Маркс номли	10,3	Ю. Хўжабеков	С. Усмонов	Боёвут
17. «Қизил шарқ»	10,0	Н. Ойхўжаев	З. Раҳмедова	Қуйи Чирчиқ
18. Охунбобоев номли	9,9	А. Убайдулла-хўжаев	И. Войназаров	Сирдарё
19. «XXI партсъезд»	9,8	Ким Г. Х.	Ан П. В.	Гулистон
20. Свердлов номли	9,7	М. Соибоев	А. Рустамов	Сирдарё
21. Тельман номли	9,7	С. Бўриев	У. Ҳайитов	Оққўрғон
22. «Ленинизм»	9,6	М. Қулмирзаев	Ш. Ниёзов	Бўка
23. Ленин номли	9,5	З. Шокиров	С. Омонов	Боёвут
24. К. Маркс номли	9,5	У. Пардаев	К. Шамшиев	Гулистон
25. «Красний Восток»	9,5	А. Носиров	Хегай Ч. Ю.	Гулистон
26. «Москва»	9,4	М. Мирзаев	Р. Алимов	Гулистон
27. «Оқ олтин»	9,2	Ш. Холиқов	Э. Қўшбеков	Гулистон
28. «Октябрь»	9,0	А. Д. Брухтий	С. Файзиев	Гулистон
29. Охунбобоев номли	9,0	Ю. Хожиматов	Т. Насибов	Бўка
30. Сталин номли	9,0	К. Синдоров	Б. Яҳёев	Сирдарё
31. Жданов номли	8,7	У. Д. Кан	А. Рихсибоев	Янгийўл
32. Охунбобоев номли	8,6	М. Рўзиматов	К. Ерденов	Ўрта Чирчиқ
33. Мичурин номли	8,6	И. Алибоев	С. Иброҳимов	Гулистон
34. Ворошилов номли	8,6	Ғ. Отабоев	А. Туратов	Оққўрғон
35. Сталин номли	8,6	А. Ортиқов	Ф. Мадалиев	Янгийўл
36. «1-Май»	8,5	Б. Маманов	С. Нигматуллин	Сирдарё
37. М. Горький номли	8,3	Ш. Раҳимов	З. Мирзаев	Сирдарё
38. «Ленинский путь»	8,3	Ким А. В.	Ни В. В.	Гулистон
39. «XX партсъезд»	8,3	М. Ҳайитбоев	Х. Абдукаримов	Бўка
40. Навоий номли	8,2	О. Отабоев	Х. Турдалиев	Бекобод
41. «Гулистон»	8,1	Ғ. Шукуров	Р. Норқўзиев	Бекобод
42. К. Маркс номли	8,0	Ян С.	Р. Бобомуродов	Оққўрғон
43. «Политотдел»	8,0	Хван М.	Ким С. ф.	Юқори Чирчиқ
44. Хрушчев номли	8,0	К. Жўраев	К. Иноғомжонов	Бўка
45. Шверник номли	7,9	У. Йўлдошев	Т. Шоҳидов	Пискент
46. «Ленинизм»	7,9	И. Тешабоев	Б. Низомов	Гулистон
47. Куйбишев номли	7,9	С. Раҳмонов	Д. Сайдаев	Оққўрғон
48. «Коммунизм»	7,8	З. Жалолов	Т. Мирзаев	Ўрта Чирчиқ
49. Ленин номли	7,8	Т. Эрназаров	Х. Давиров	Чиноз
50. Куйбишев номли	7,8	Т. Ғуломов	Т. Маматов	Сирдарё
51. Энгельс номли	7,7	Э. Шамсиев	И. Буракбоев	Чиноз
52. «Октябрь»	7,7	П. Сулаймонов	Ж. Шамсиев	Сирдарё
53. Ленин номли	7,7	О. Кўчқоров	Ж. Тўйчиев	Янгийўл
54. Жамбул номли	7,6	Х. Шукуров	З. Сайдимов	Бўка
55. Хрушчев номли	7,5	Ф. Мухсимов	М. Юсупов	Оржоникидзе
56. «Коммунизм»	7,5	А. Ашуров	А. Жданов	Чиноз
57. Мичурин номли	7,5	Т. Каримов	П. Жабборов	Бўка
58. Свердлов номли	7,5	Ким Д. А.	Эм. Т. В.	Юқори Чирчиқ
59. «Ҳақиқат»	7,0	Н. Йўлдошева	М. Ҳакимов	Сирдарё
60. Т. Шевченко номли	7,0	Ж. Маманов	Н. Алиев	Сирдарё
61. Сталин номли	7,0	М. Мусурмонов	М. Умаров	Бўка
62. «Правда»	7,0	Цой И. А.	Когай Д. Ф.	Юқори Чирчиқ
63. «Красний Октябрь»	6,9	Я. Н. Пискорский	У. Жабборов	Сирдарё
64. Свердлов номли	6,9	Д. Очилов	А. Мустафоқулов	Чиноз
65. Навоий номли	6,9	А. Омонов	К. Парпиев	Оққўрғон
66. Киров номли	6,8	Ғ. Далибоев	А. Юсупов	Чиноз
67. Ленин номли	6,8	С. Назаров	Р. Орифжонов	Гулистон
68. «Ленинград»	6,8	Т. Йўлдошев	Б. Саматов	Гулистон
69. Сталин номли	6,7	А. Ҳасанов	Ю. Дадабоев	Ўрта Чирчиқ
70. «Ленинград»	6,6	Қ. Синдаров	А. Тожибоев	Сирдарё
71. Ленин номли	6,6	И. А. Бездетний	И. Ашеров	Сирдарё
72. Дзержинский номли	6,6	А. Шукуралиев	М. Бегматов	Бекобод
73. Ленин номли	6,5	Р. Эгамбердиев	А. Толипов	Оққўрғон
74. Орджоникидзе номли	6,5	У. Хўжаев	Г. Отауллаев	Ўрта Чирчиқ
75. «Октябрь 40 йиллиги»	6,4	Ногай А. Н.	Э. Ўролов	Оққўрғон
76. «Северний маяк»	6,4	Цой С. Г.	Цой П.	Ўрта Чирчиқ
77. «Коммунизм»	6,3	Э. Мансуров	Э. Эшонқулов	Сирдарё
78. Ленин номли	6,3	Б. Умаров	Ж. Султонов	Бўка
79. «XIX партсъезд»	6,3	А. Душабоев	М. Салимбоев	Бўка
80. «Ленинобод»	6,3	Р. Дадажонов	Т. Шарипов	Бўка
81. Фрунзе номли	6,3	И. Тоғаев	Б. Ботирбеков	Гулистон
82. «XX партсъезд»	6,3	И. Одилов	А. Исахонов	Ўрта Чирчиқ
83. Крупская номли	6,2	Х. Турсунқулов	С. Шомуротов	Гулистон
84. «Ленин йўли»	6,2	И. Усмонов	И. Қурбонов	Ўрта Чирчиқ
85. «Победа»	5,9	И. Саидов	Т. Қундузов	Сирдарё
86. Сталин номли	5,9	Т. Мирзаев	И. Шигапов	Оққўрғон
87. «Полярная звезда»	5,9	Ким П. Х.	Ан И. Ч.	Ўрта Чирчиқ
88. «Красная заря»	5,8	А. Тураиев	Тян Б. С.	Гулистон
89. «Ленинград»	5,7	А. Тошқораев	А. Ҳошимов	Орджоникидзе
90. Киров номли	5,7	Д. Сафаров	Р. Қолжонов	Янгийўл
91. Ленин номли	5,7	Б. Дўсмуротов	Э. Фармонов	Бекобод
92. Ленин номли	5,7	Пак Г. А.	Дя Ч. Г.	Ўрта Чирчиқ
93. Калинин номли	5,6	Ем Е. М.	Т. Ахтаев	Ўрта Чирчиқ
94. Ильич номли	5,5	Х. В. Гаспарян	И. Бондаренко	Чиноз
95. «XXI партсъезд»	5,5	Ю. Мирахмедов	Х. Эргашев	Чиноз
96. Сталин номли	5,5	Ю. Талабоев	А. Сарибоев	Юқори Чирчиқ
97. «Гулистон»	5,5	Цой Е. Ф.	Ким Ч. С.	Ўрта Чирчиқ
98. «Ўзбекистон»	5,4	М. Алимуҳамедов	К. Куранов	Сирдарё
99. «Сталинград»	5,3	Х. Мақсудов	М. Аҳмедов	Орджоникидзе
100. Куйбишев номли	5,3	Р. Йўлдошева	Б. Оқбердиев	Ўрта Чирчиқ
101. Охунбобоев номли	5,3	А. Султонов	Т. Чиннибеков	Оққўрғон
102. «XXI партсъезд»	5,2	О. Норматов	Р. Умурзоқов	Янгийўл
103. Ворошилов номли	5,2	Н. Толипов	А. Абдимўминов	Пискент
104. Ленин номли	5,0	У. Исломов	Р. Эгамбердиев	Орджоникидзе
105. Свердлов номли	5,0	У. Мусаев	Р. Усмонов	Янгийўл
106. «Ленин йўли»	5,0	М. Иброҳимов	Т. Шодибеков	Бўка
107. Свердлов номли	4,9	М. Муҳаммаджонов	А. Саломов	Ўрта Чирчиқ
108. «Қизил Ўзбекистон»	4,8	А. Матқобулов	Ҳ. Элбўсинов	Орджоникидзе
109. «III интернационал»	4,8	Н. Нишонбоев	К. Ўразаев	Юқори Чирчиқ
110. К. Маркс номли	4,7	Қ. Султонов	Ш. Жўманов	Сирдарё
111. «Победа»	4,7	Т. Қосимов	Х. Булоқбоев	Чиноз
112. «Қизил Октябрь»	4,7	Д. Рустамов	Н. Исмоилов	Чиноз
113. Сталин номли	4,6	Х. Очилов	Т. Қудратова	Чиноз
114. «Октябрь 40 йиллиги»	4,6	Х. Ҳайдаров	Ҳ. Сайқулов	Бўка
115. «Коммуна»	4,6	У. Солиқов	М. Қурбонов	Гулистон
116. Охунбобоев номли	4,5	Ж. Норимов	Б. Давсентов	Орджоникидзе
117. «Коммунизм»	4,5	М. Исматов	И. Усмонов	Янгийўл
118. «Ленинизм»	4,5	И. Юсупов	М. Йўлдошев	Юқори Чирчиқ
119. Сталин номли	4,5	Р. Муҳамедов	Қ. Султонов	Гулистон
120. «Октябрь 40 йиллиги»	4,4	К. Каримов	П. ф. Саулькин	Чиноз
121. К. Маркс номли	4,4	А. Чўлибоев	М. Абдиев	Бўка
122. Киров номли	4,3	Н. Ғиёсов	Г. Абдуазимов	Орджоникидзе
123. Калинин номли	4,3	Н. Қоржоулов	С. Тажбенов	Оққўрғон
124. «Коммунизм»	4,3	Б. Умаров	Ч. Бозоров	Бўка
125. Энгельс номли	4,2	А. Кўсаев	У. Сиддиқов	Ўрта Чирчиқ
126. Вильямс номли	4,2	Ғ. Азаматов	Д. Зуфаров	Бўка
127. «XIX партсъезд»	4,1	Ю. Файзиев	К. Олимов	Янгийўл
128. Жамбул номли	4,1	М. Тожиев	С. Айдаров	Юқори Чирчиқ
129. К. Маркс номли	4,0	К. Абдуллаев	Цой М.	Ўрта Чирчиқ
130. К. Маркс номли	3,9	А. Султонов	Т. Азимбоева	Янгийўл
131. Навоий номли	3,9	И. Норбоев	Т. Нортоев	Чиноз
132. Дмитров номли	3,8	Шин Д. Д.	Ли Ч. С.	Қуйи Чирчиқ
133. «ЎзССР 30 йиллиги»	3,7	И. Аҳмедов	А. Мирахмедов	Чиноз
134. Тимирязев номли	3,7	Х. Қурбонов	Н. Усмонов	Бўка
135. Фрунзе номли	3,4	К. Саидбеков	С. Тўлаганов	Янгийўл
136. «Коммунизм»	3,3	М. Усмонов	Ж. Эргашев	Гулистон
137. «Меҳнат бирлиги»	2,4	И. Икромов	Ж. Файзуллаев	Юқори Чирчиқ
138. М. Горький номли	2,3	С. Каримжонов	Б. Қўйбоқов	Ўрта Чирчиқ
139. «Шарқ юлдузи»	2,3	Х. Турсунқулов	Б. Султонов	Янгийўл
140. Жданов номли	1,7	Т. Сафаров	С. Турсунов	Юқори Чирчиқ

Область совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1959 йил 11 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар номи	Мавсум бошидан бери	Совхоз директорининг фамилияси	Партия ташкилоти секретарининг фамилияси	Ишчилар комитети раисининг фамилияси	Қайси райондан
1. 4-«Вревский»	17,5	Қ. Аъзамов	Ю. Икромов	Х. Исмонлов	Чиноз
2. «Дружба»	12,4	Ғ. Шукуров	У. Муродов	Ўрмонов	Боёвут
3. Бушуев номли	11,7	Р. Орипов	А. Бойхўжаев	Б. Пирматов	Гулистон
4. «Мирзачўл»	11,0	А. Бегимқулов	И. Собиров	М. Айдаров	Гулистон
5. «Чаноқ»	9,3	О. Афзалов	А. Шевченко	А. Нуралиев	Бекобод
6. «Гулистон»	8,5	М. Ғаниев	Р. Шимаков	А. Исоқов	Сирдарё
7. «Бўка»	7,6	М. Ботиров	М. Акимбоев	К. Бекбертенев	Бўка
8. 1-«Боёвут»	7,6	А. Урисбиев	Т. Хўжаев	Я. Холиқов	Боёвут
9. «Фарҳод»	7,1	К. Ботиров	Д. Сувонқулов	Ш. Мавлонов	Боёвут
10. «Пискент»	6,7	А. В. Киселев	М. Мирқобилов	М. Н. Чадин	Пискент
11. «Социализм»	6,3	К. Пўлатов	С. Шукуров	Т. Тожибоев	Сирдарё
12. 3-«Боёвут»	6,2	К. Рашидов	Ш. Облоқулов	А. Жданов	Боёвут
13. «Оққўрғон»	5,9	Ж. Акромов	Р. Бердиев	Л. И. Бобин	Оққўрғон
14. 4-«Боёвут»	5,3	У. Юсупов	А. Мустанов	Ким Х.	Боёвут
15. 2-«Далварзин»	5,1	Н. Бойматов	К. Холмирзаев	Х. Наширов	Бекобод
16. Киров номли	4,9	Пак Сан-Ер	М. И. Федин	Тен А. В.	Ўрта Чирчиқ
17. 1-«Далварзин»	4,6	А. Мирдадаев	Х. Юсупов	Ж. Аҳмедов	Бекобод
18. «ЎзССР беш йиллиги»	3,2	И. Иброҳимов	А. И. Ланговой	М. Мусуков	Қуйи Чирчиқ
19. «Малик»	3,0	С. А. Бочкарев	А. Мейрбеков	А. Р. Волина	Сирдарё

БОЁВУТЛИКЛАР ЧАҚИРИҒИГА ҚЎШИЛИБ...

Янги мажбуриятимиз —2 минг тонна

Бу йил 730 гектар ерда ғўза ўстирдик. Колхозчиларимиз, механизаторларимиз чигит экилган дастлабки кунларданоқ ишни уюшқоқлик билан ташкил этиб, ғўза парваришини сифатли ўтказиш учун фидокорона меҳнат қилдилар. Далаларимизда мўл ҳосил етилди.

Биз бу ҳосилни йиғиб-териб олиш ишига киришар эканмиз, ўз ички имкониятларимизни яна бир қайта ҳисоблаб чиқдик. Боёвут районидаги «Коммунизм» колхози аъзоларининг чақириғига жавобан қўшимча равишда қанча тонна пахта бера олишимиз мумкинлиги тўғрисида бригадирлар, звено бошлиқлари билан маслаҳатлашдик. Колхозимизнинг ўртоқ Фикри Бадалов бошлиқ трактор-далачилик бригадаси илғари белгиланганидан 120 тонна кўп, ҳаммаси бўлиб 450 тонна пахта топшириш мажбуриятини олди. Шунингдек, Қурол Душаев, Нишонбой Эгамқулов, Ҳамдамов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам аввалги мўлжалдагига қараганда 2—4 центнердан ошириб пахта топширишлари мумкин эканлигини айтдилар. Шуларга асосланиб, колхоз бўйнча илгариги 1750 тонна ўрнига 2 минг тонна пахта топширишга қарор қилдик.

Йиғим-теримга пухта тайёргарлик билан киришилди. Йўл, кўприк, хирмон ва бошқа объектларни сифатли ремонт қилиб қўйганмиз. Шу туфайли терим кунданкунга авж олмоқда. Кўп минг килограммчи йигит ва қизларимиз хирмонга тобора кўп ва сифатли пахта топширмоқдалар.

Биз бу янги мажбуриятимизни сўзсиз бажариш йўлида барча тадбирларни амалга оширамиз. Сентябрь ойида йиллик планнинг камида 48—50 процента миқдорида пахта топширамиз

И. ҲАЙДАРОВ,
Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг раиси.

Мусобақа илғорларига кўчма Қизил байроқ топширилди

Ўзбекистон КП область комитети бюроси ва область ижроия комитети пахта териш ва тайёрлашнинг боришини кўриб чиқиб, Ўзбекистон КП область Комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини **Пискент** районига (район партия комитетининг секретари **Х. Латипов,** район ижроия комитетининг раиси **П. Худойбердиев,** район комсомол комитетининг секретари **М. Абдуҳакимов,** район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бошлиғи **К. Ҳайдаров** ўртоқлар) топширишга қарор қилдилар. Бу район 11 сентябргача йиллик планнинг 9,42 процента миқдорида пахта тайёрланишини таъминлаган.

Шунингдек, Пискент районига пахта йиғим-теримида намуна кўрсатиб ишлаган илғор колхозчилар, РТС ишчилари ва қишлоқнинг теримда қатнашаётган аҳолисини мукофотлаш учун 10.000 сўм пул берилди ва 5 та юк машинаси ажратилди.

Шунингдек, Боёвут районидаги «Дружба» (директори **Ғ. Шукуров,** партия ташкилотининг секретари **Муродов,** ишчилар комитетининг раиси **Ўрмонов** ўртоқлар) совхозига ҳам Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди. Бу совхозда 11 сентябрга қадар йиллик планнинг 12,4 процента миқдорида пахта тайёрланган.

Илғор ишчилар ва қишлоқнинг теримга жалб қилинган аҳолисини мукофотлаш учун «Дружба» совхозига 3.000 сўм пул мукофоти берилди.

Бундан кейин кўчма Қизил байроқ районлар ва совхозларнинг ҳар беш кунликдаги иш якунларига қараб берилади.

Область партия комитети бюроси ва область ижроия комитети қуйидаги районларда пахта териш ва тайёрлаш мутлақо қониқарсиз бораётганлигини қайд қилиб ўтди: **Куйи Чирчиқ** райони (район партия комитетининг секретари **И. Сотиболдиев,** район ижроия комитетининг раиси **М. Мерганов** ўртоқлар). Бу районда пахта тайёрлаш плани эндигина 3,89 процент бажарилди, **Юқори Чирчиқ** (район партия комитетининг секретари **Ким М. В.,** район ижроия комитетининг раиси **И. Каримов** ўртоқлар) районида план 4,99 процент, **Оржоникидзе** (район партия комитетининг секретари **К. Тошпўлатова,** район ижроия комитетининг раиси **Ғ. Носиров** ўртоқлар) районида план 5,05 процент, **Янгийўл** (район партия комитетининг секретари **И. Ю. Юнусов,** район ижроия комитетининг раиси **М. Т. Тожиев** ўртоқлар) районида 5,22 процент, **Чиноз** (район партия комитетининг секретари **А. А. Акрамов,** район ижроия комитетининг раиси **Н. Қирғизбоев** ўртоқлар) районида 5,39 процент, **Ўрта Чирчиқ** (район партия комитетининг секретари **Ш. С. Исамуҳамедов,** район ижроия комитетининг раиси **О. Бердиев** ўртоқлар) районида 5,5 процент ва **Бекобод** (район партия комитетининг секретари **И. К. Хуснитдинов,** район ижроия комитетининг раиси **Ғ. Қодиров** ўртоқлар) районида пахта тайёрлаш планини 6,16 процент бажарган.

Ориповлар оиласи 80 тонна пахта теради

Ўртоқ Райим Орипов илғор теримчи. У бир неча йилдан бери ҳар мавсумда 18 — 20 тоннадан пахта териб келмоқда. Кўп йиллик иш давомида Райим ака анчагина йигит-қизларни чевар теримчи қилиб етиштирди. Ҳозирги кунда уларнинг кўпи, жумладан О. Бекназарова, Х. Қўшоқова, О. Раҳмоновалар 1-«Боёвут» совхозининг 2-бўлимида устозлари Райим ака Орипов билан бирга пахта теришяпти.

Яқинда бўлим ишчилари бу йилги пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиштириб олиш ҳақида батафсил маслаҳатлашиб олдилар. Шунда ўртоқ Орипов биринчи бўлиб сўзга чиқди.

— Бу йил мавсумда 30 тонна пахта териб, — деди у, — областимизнинг илгариги шуҳратини қайта тиклашга кичик бўлса ҳам, ҳисса қўшишга аҳд қилиб қўйдим.

Шундан кейин унинг укаси Худойқул Орипов сўзлади:

— Мен теримчиликни акамдан ўрганган эдим, — деди у, — эндиликда иккаламиз бемалол беллашадиган бўлиб қолдик. Мен ҳам 30 тонна пахта териб беришга қарор қилдим.

Шу куни икки ака-уканинг умр йўлдошлари Қорасоч ва Хонбиби Ориповалар ҳам мавсумда 10 тоннадан пахта териш мажбуриятини олишди. Ҳозирги вақтда Ориповлар оиласи ўртоқ С. Азимов бошлиқ бригадада пахта териб, ҳар куни хирмонга 700 — 800 килограммдан пахта тўкмоқда.

К. МАЛЛАЕВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

МАЪЛУМОТ

(Йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери
Пискент	1,77	9,42
Боёвут	1,36	8,14
Гулистон	1,47	7,46
Сирдарё	1,24	6,99
Оққўрғон	1,29	6,91
Бўка	1,21	6,65
Бекобод	1,16	6,16
Ўрта Чирчиқ	1,25	5,51
Чиноз	1,50	5,39
Янгийўл	1,11	5,28
Оржоникидзе	1,07	5,05
Юқори Чирчиқ	1,34	4,99
Қуйи Чирчиқ	1,01	3,89

ЎЗБЕКИСТОН ЧАВАНДОЗЛАРИНИНГ ДИПЛОМ ВА АТТЕСТАТЛАРИ

МОСКВА, 11 сентябрь. (ЎзТАГ махсус мухбиридан). Колхоз, совхоз ва от заводлари чавандозларининг Москвада ўтказилган иккинчи Бутуниттифоқ мусобақаси 7 кун давом этди. Бу ерда наслдор отлар кўриги якунланди. Мусобақанинг бош судьяси маршал С. М. Будённий голибларга ва мусобақада ўзини кўрсатган айрим спортчиларга мукофот ва эсдалик совғаларини топширди. ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда Ўзбекистон терма командасининг бошлиғи ва терма коллективларнинг кўпкар ва қиз қувиш каби миллий ўйинлар бўйича тренери С. Р. Ильяев қуйидагиларни айтди:

— Чавандозларнинг Бутуниттифоқ мусобақасида Ўзбекистон ССР дан қорабайир зотли 27 та от қатнашди. Бу отлар 3 та биринчи, 5 та иккинчи ва 3 та учинчи ўринларни олдилар. 30 та зотли отлар ичида эришилган 7 та рекорднинг 2 таси Ўзбекистон қорабайирларига тегишлидир.

Мусобақа натижалари отларни тайёрлашда РСФСР, Ўзбекистон ва Озарбайжонда чавандозлар яхши ютуқларга эришганликларини кўрсатди. Ўзбекистон командасига маршал С. М. Будённий 3 та қимматбаҳо совға, 13 та диплом ва 5 та аттестат топширди.

ПИОНЕР ВОЖАТИЙЛАР СЕМИНАРИ

ЎзЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг пионер ва мактаб ўқувчилари билан ишлаш бўлими Островский номидаги пионерлар саройида пойтахт мактаблари бош пионер вожатийларининг семинарини ўтказди. Семинарда «Халқаро аҳвол», «Шаҳар мактабларида 1958—1959 ўқув йилининг якуни», «Пионер босқичлари», «Пионер дружиналарида ишни планлаштириш» каби темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказилди. Пионер вожатийлар пионерлар саройининг ишлари билан танишдилар.

ЎзЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Соқиев ёшлар ва студентларнинг Венада ўтказилган VII жаҳон фестивалида олган таассуротларини семинар қатнашчиларига гапириб берди.

Х. ЖАЛИЛОВ.

Суратда: Байрамга келган кино артистлари тамошабинлар орасида. А. Абалян фотоси.

Шаҳарда кино байрами

Ўзбекистон кинематография ходимлари союзининг ташкилот бюроси ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг Маданият Бошқармаси кеча Тельман номли маданият ва истироҳат паркида Совет киносининг 40 йиллигига бағишлаб шаҳар кино байрамини ўтказдилар. Шу куни паркка шаҳар меҳнаткашларидан кўп киши келди.

Эзги театр биносида байрамнинг тантанали очилиши маросими бўлди. «Совет киносининг 40 йиллиги» ҳақида республика маданият министри С. Муҳамедов доклад қилди. Тамошабинлар машҳур киноартистлари билан учрашдилар. Артистлар кинофильмлар қаҳрамонларининг кийимида эдилар.

Паркдаги меҳнат ва революция ветеранлари уйида кино ҳаваскорлари ишлаган фильмлар кўрсатилди. Шунингдек «Ўзбекфильм» киностудияси коллективи «Маҳаллада дувдув гап» деган бадиий фильмнинг қандай суратга олинаётганини намойиш қилиб кўрсатди. Паркнинг стадион, майдон ва хиёбонларида «Ўзбекфильм» ишлаб чиқарган «Ўзбекистонимизга келинг!», «Инсониятнинг беш қўли» ва «Салом, Москва» каби фильмлар кўрсатилди. Киноплакатлар ва рекламалар виставкаси, «Родина» кинотеатрининг эстрада оркестри солистлари ижро этган кинофильмлардан олинган қўшиқлар ҳаммада яхши таассурот қолдирди.

Н. КАБИРОВ,
А. МАМАЮСУПОВ.

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Буюмлар насяга берилади

Ўзбекистон савдо министрлиги меҳнаткашлар манфаатини кўзлаб, буюмларни насяга сотишни ташкил этишга қарор қилди. Шу ойнинг иккинчи ярмидан бошлаб республикамиз шаҳарларининг савдо ташкилотлари ишчи ва хизматчиларга турли буюмларни қарзга сота бошлайди.

Насяга сотиладиган буюмлар орасида радиола ва радиоприемниклар, фотоаппаратлар, «Тула» ва «Киров» маркасидаги велосипед ҳамда мотоцикллар, лодка моторлари, «Тула» тикув машиналари, ов милтиқлари, металл корпусли қўл соатлари, жун ва ипак газламалардан тикилган кийимлар ва бошқа буюмлар бор.

Бутун республика бўйича 108 та савдо тармоғида буюмлар насяга сотилади. Тошкетда эса 18 та йирик магазин шу иш билан шуғулланади. Тошкент шаҳар меҳнаткашлари Карл Маркс кўчасидаги 36 ва 105—магазинлардан бу хил буюмларни олишлари мумкин. Чиланзор массиви ва аҳоли кўп яшайдиган жойлардаги бир қанча шаҳар магазинларида ҳам буюмларни насяга сотиш ташкил қилинади.

Областимизнинг Чирчиқ, Оҳангарон, Бекобод ва Янгийўл шаҳарларида ҳам бу тадбир амалга оширилади.

Буюмларни насяга бериш қоидаси қандай бўлади? Аввало ишчи жойи маъмурияти ва касаба союз ташкилотидан буюмни насяга бериш ҳақидаги илтимосномани савдо ташкилотига кўрсатиш керак. Шунингдек, савдо ташкилотига харидор паспортини ва олмоқчи бўлган буюмлари, унинг баҳоси, қарзни неча сўмлаб қанча муддатда тўлаши кўрсатилган ёзма мажбуриятни ҳам кўрсатади. Буюмни олётган вақтда харидор магазинга белгиланган баҳонинг 20—25 проценти миқдорида пул тўлайди, қолган суммани эса 6—12 ой ичида бўлиб-бўлиб беради.

Харидор ишлаб турган ташкилоти қарзга олинган буюм учун тўланадиган пулни вақти-вақти билан ойлик маошдан ушлаб қолиб, уни савдо ташкилоти ҳисобига ўтказади. Қарз пулни омонат кассалар ва почта орқали ҳам савдо ташкилоти ҳисобига ўтказиш мумкин, ёки магазинга олиб бориб тўласа ҳам бўлади.

Буюмни олиш учун зарур бўлган ҳамма ҳужжатлар расмийлаштирилиб, дастлабки 20—25 процент миқдоридаги пул тўланганидан сўнг магазин харидорга танлаган буюмини беради. Бунда магазинга буюмнинг чакана баҳосига қараб 2 процент қўшимча ҳақ тўланади.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ КООПЕРАТОРЛАРИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

Осиё ва Африка мамлакатлари кооператорларининг Тошкентда ўтказилаётган семинари қатнашчилари Франция ҳукуматига ва Осиё ҳамда Африка мамлакатлари бирдамлиги кенгаши доимий секретариатига (Қоҳира) резолюция юбордилар. Улар бу резолюцияда Франция ҳукуматининг Саҳройи Кабирда атом қуроли синовларини ўтказиш ниятида эканлигига қарши норозилик билдирадилар.

Биз, дейилади резолюцияда, Осиё ва Африка мамлакатларидаги миллионларча кооператорларнинг ҳохишини изҳор қилиб, Франциядаги ҳукмрон доираларнинг ядро қуроли синовларини ўтказиш ниятига қарши норозилик билдираётган прогрессив инсониятнинг овозига ўз овозимизни қўшамиз. Жаҳон халқлари икки буюк давлатнинг бошлиқлари — Н. С. Хрушчев билан Д. Эйзенхауэрнинг учрашувини сабрсизлик билан кутмоқдалар. Бу учрашув натижасида халқаро кескинлик янада юмшаши керак. Шундай бир пайтда Франция ҳукумати тинчликка қарши жиноят тайёрламоқда. «Тинчлик, демократия, тараққиёт» шиори бизга, кооператорларнинг шиоридир. Биз Франция ҳукуматидан атом қуроли синовларини ўтказиш ниятидан воз кечишни талаб қиламиз.

Жаҳон тарихида кўпгина шонли саҳифалар очган француз халқи бутун дунёда тинчлик манфаатларини кўзлаб, ана шу планларнинг амалга оширилишига йўл қўймайди, деб ишонамиз. (ЎзТАГ).

ГДР ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

БЕРЛИН, 11 сентябрь. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси давлат план комиссияси хабар беради: Республикада саноат ишлаб чиқариши шу йилнинг дастлабки саккиз ойи ичида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12,9 процент кўпайди. Социалистик саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги 10,1 процент ортди. Шу давр ичида ташқи савдо обороти 17,7 процент, чакана савдо товар обороти эса, 11,5 процент кўпайди.

Август ойида ишлаб чиқариш соҳасида эришилган муваффақиятлар туфайли бир қанча муҳим буюмларни ишлаб чиқаришдаги қолоқликка барҳам бериш ёки бу қолоқликни анча камайтириш имконияти туғилди. Лекин шундай бўлса ҳам олтин гугурт кислотаси, цемент, қишлоқ хўжалик машиналари ва шулар сингари муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш плани ҳали бажарилмади.

Ахборотда яна айтилишича, шу йилнинг саккиз ойи ичида бинокорлик саноати ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб 25 процент оширган.

Саҳройи Кабирда ядро синовлари ўтказилишига йўл қўйилмасин

Шу кунларда бутун дунё халқлари СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва АҚШ Президенти Д. Эйзенхауэр ўртасида бўладиган учрашувлар пишиб қолган халқаро масалаларни тезда ҳал қилиш, қуролсизланиш ва энг аввало ядро қуролини тақиқлашга қаратилган музокараларни бошлаб юборишга кенг йўл очиб беради, деган умид билан яшамоқда. Барча мамлакатлар жамоатчилиги бу учрашувларни кескинликни юмшатиш учун олиб борилаётган халқаро муносабатлар тарихида катта бурилиш бўлади, деб баҳоламоқда.

Совет ҳукумати жаҳон халқларининг тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб, агар ғарб давлатлари ядро қуроли синовлари ўтказишни бошлаб юбормасалар, у вақтда Совет Иттифоқида ҳам ядро қуроли синовларини ўтказмасликка қарор қилди.

Мана шундай шароитда француз ҳукуматининг Саҳройи Кабирда атом бомбаларини портлатишга тайёрланиш ҳақида чиқарган расмий ахбороти ҳаммани ташвишга солмоқда.

Француз ҳукмрон доиралари атом бомбаси гуё «Франциянинг улуғворлигини тиклашга, жаҳон миқёсидаги обрўсини оширишга» имкон беради деб, исботлашга уринмоқдалар. Бундай далилларнинг мутлақо ўринсизлигини гапириб ўтиришга ҳеч қандай зарурият йўқ. Француз олимлари ва инженерлари ўз мамлакатларининг атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланаётган давлатлар билан бир қаторда фахрли ўрин олишини таъминлашга эришишлари мумкин.

Саҳройи Кабирда атом бомбаларининг портлатилиши Франциянинг обрўйини тушириб юборибгина қолмайди, шунинг билан бирга унга катта зарар ҳам етказади. Портлатишнинг дастлабки оқибатлари уларнинг Африка мамлакатлари билан бўлган муносабатларининг янада кескинлашувига олиб келади.

Ҳозирги пайтда Африкада, Саҳройи Кабирда ядро қуроли синовларини ўтказишга қарши кенг норозилик кампанияси авж олиб кетди. Африка давлатларининг сиёсий, касаба союз ва жамоат ташкилотлари «Африкада ҳам Хиросима фожиасининг юз беришини истамаймиз» деган шиор остида жуда кўп йиғилишлар, митинглар ва конференциялар ўтказаётирлар.

Африкадаги мустақил давлатларнинг ҳукуматлари Саҳройи Кабирда атом қуроли синовларининг ўтказилишига қарши қатъий норозилик билан чиқдилар. Марокконинг БМТ даги вакили бу масалани халқаро ташкилотлар муҳокамасига қўйиш тўғрисида таклиф киритди. Африка ва Осиёдаги 29 мамлакатнинг бу таклифни якдиллик билан қўллаб-қувватлашга қарор қилганлиги яқинда маълум бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 15 сентябрда Нью-Йоркда очиладиган Бош Ассамблеясида Жазоир масаласи ва Саҳройи Кабирда атом бомбалари синовларини ўтказиш масаласи муҳокама қилинади.

Халқларнинг норозилик ҳаракатлари фақат Африка қитъасидагина бўлиб қолмай, балки Осиё ва Ўрта Ер денгизи ҳавзасидаги деярлик барча мамлакатларга ҳам ёйилмоқда. Миланда чиқадиган «Джорно» газетаси Павие университетининг профессори Андреано Буццати — Траверсонинг мақоласини эълон қилди. Бу мақолада у, Саҳройи Кабирда ядро қуролларининг портлатилиши Ўрта Ер денгизи ҳавзаси мамлакатлари халқлари ва шу жумладан Италия учун қандай хавф туғдиришини илмий жиҳатдан исботлаб берди. Югославия матбуотида ҳам шундай норозилик баён қилинаётир.

Франция ҳукмрон доиралари тузаётган планлар билан француз халқи тутган сиёсат ўртасида ҳеч қандай яқинлик йўқ. Франция касаба союзларининг турли оқимдаги ташкилотлари вакиллари делегациясининг Лейпцигда бўлиб ўтган жамоат ташкилотлари ходимлари Халқаро конференциясида қилган баёноти бунинг ёрқин далилидир.

«Биз Саҳройи Кабирда ядро қуроли синовлари ўтказилишини қоралаймиз, — дейилади бу баёнотда,— чунки француз халқи бундай қуролнинг барча синовларига қаршидир. Атом бомбалари портлатилган тақдирда у, давлатнинг кўплаб маблағини кўкка совурган ва бунинг натижасида француз меҳнаткашларининг иқтисодий ва сиёсий аҳволи янада оғирлашган бўлур эди. Н. С. Хрушчев билан Д. Эйзенхауэр учрашуви ўтказилиши дозим бўлган бир пайтда ядро синовларига тайёргарлик кўриш тинч-тотув яшашни таъминлаш ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш йўлда бошланган ҳаракатга гов бўлиш демакдир. Барча халқлар мустаҳкам тинчлик ўрнатишга интилмоқдалар. Планлаштирилган бу синовлар атом қуролини бутунлай тақиқлаш ҳақида келишилган халқаро битимга мутлақо зиддир».

Франция ҳукуматининг Саҳройи Кабирда атом бомбасини портлатиш ҳақидаги қарори Африка қитъасидаги халқларни қўрқитиш ва бу билан Жазоир ҳамда бошқа мустамлака мамлакатларда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Бироқ, Франция ҳукмрон доиралари қаттиқ янглишдилар. Африка мамлакатларининг ҳукуматлари ўз баёнотларида Францияни огоҳлантириб, Саҳройи Кабирдаги портлатиш ҳақидаги қарорни душманлик акти деб қоралидилар ва бунинг учун африкаликларда француз колонизаторларига нисбатан янада кўпроқ нафрат ўзғолиши мумкинлигини билдирдилар.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги советининг доимий секретариати бирдамликнинг барча миллий комитетларини француз ҳукуматининг бу қарорига қарши дадил ва актив чиқишга чақирди. Доимий секретариат француз империалистлари Осиё ва Африка мамлакатларининг ҳамжиҳатлиги ва иродаси олдида чекинишга мажбур бўлади, деб ишонч билдирди.

Совет кишилари бу чақириқни қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Дарҳақиқат, Саҳройи Кабирда ядро қуроли синовларига қарши кураш дунёдаги барча халқларнинг тинчлик учун олиб бораётган курашининг ажралмас қисмидир.

Н. КУЗНЕЦОВ.

ВДР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ ВАКИЛИНИНГ БАЁНОТИ

ХАНОЙ, 11 сентябрь. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги билдиради: Вьетнам Демократик Республикаси ташқи ишлар министрлигининг вакили кеча Ханойдаги матбуот вакилларига бундай деди: Лаос ташқи ишлар министрининг 8 сентябрда Бангкокда Шимолий Вьетнам қўшинлари Лаос территориясини ўққа тутдилар ва Вьетнам Демократик Республикасининг 4 мингдан кўпроқ солдати Лаос территориясида 50 километр ичкарига кирди, деган гаплари «ўтакетган уйдирмадир». Вьетнам Демократик Республикаси ташқи ишлар министрлигининг вакили Лаосдаги бошқа расмий шахсларнинг Вьетнам Демократик Республикаси Лаосининг ички ишларига аралашди деган гапларини ҳам рад этди.

КОРЕЯДА ЯРАШ МАСАЛАСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ҲАРБИЙ КОМИССИЯНИНГ ГАЛДАГИ МАЖЛИСИ

ПХЕНЬЯН, 10 сентябрь. (ТАСС). Корея-Хитой томонининг талабига мувофиқ, бугун Паньминьчжонда Кореяда яраш масаласи билан шуғулланувчи ҳарбий комиссиянинг 107-мажлиси бўлди. Корея-Хитой томонининг бошлиги генерал-майор Чу Чан Чун Корея-Хитой томонининг самолёти яқинда Япония денгизи соҳиллари районида ҳаво масофаларини бузиб ўтди, деган даъволарни тухматдан иборат деб рад этди.

ДАЪВОГАРЛАРНИНГ МАТЧ-ТУРНИРИ

БЕЛГРАД, 10 сентябрь. (ТАСС). ТАНЮГ агентлигининг хабарига кўра, даъвогарларнинг Бледдаги матч-турнирида кеча биринчи ва иккинчи турларининг қолдирилган ўйинлари ўйналди. Керес Фишерга ютқазди, Смислов Тални ютди, Фишер Петросянга, Смислов Кересга, Олафссон Бенкога ютқаздилар.

Икки турдан кейин Петросян 2 очкога, Бенко 1,5 очкога, Смислов, Керес, Фишер ва Таль биттадан очкога, Глигорич — 0,5 очкога, Олафссон — 0 очкога эга бўлдилар.

Бугун учинчи тур ўйналади. Бу ўйинда Петросян — Смислов, Керес —Таль, Бенко — Фишер ва Глигорич — Олафссон учрашадилар.

—⊙—

Телевизор экранида

12 СЕНТЯБРДА

19.00. Мактаб ўқувчилари учун ўзбек тилида «Дўстлар» деган эшиттириш.

19.35. Киножурнал.

19.45. Сўнгги ахборот.

20.05. «Ниқобсиз авлиёлар» деган кинофильм.

20.25. Бадиий фильм — «Пул орттирма, дўст орттир».

21.55. Бадиий ҳаваскорлар ижросида концерт.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳавонинг очиқ бўлиши кутилади. Тошкентда 27 — 29, областда эса 27 — 32 даража иссиқ бўлади.

Редактор ўринбосари:
М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА 12/IX да **Богема**, кундуз **Демон**, кечқурун **Травиата**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — ёзги бинода: 12/IX да **Оқ нилуфар**, 13/IX да янги спектакл **Ошиқ Ғарб**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРНИНГ ЁЗГИ БИНОСИДА—12, 13/IX да **Ўзбекистон санъат усталарининг концертлари**.

«РОДИНА» кундуз ва кечқурун **Қоя остидаги уй**, кундуз соат 3 да **Тирик мурда** (1 ва 2- серия).

«ВАТАН» — кеч соат 8 яримда **Қоя остидаги уй**, кеч 10-20 минутда **Васса Железнова**.

«ОКТЯБРЬ» — **Тоҳир ва Зуҳра** (ўзбек тилида).

«ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «УДАРНИК» — **Қоя остидаги уй**.

НАВОИ номли — (қишки, кундуз ва кечқурун) **Мишка Стрекачёвнинг ажойиб саёҳати**.

НАВОИ номли — (ёзги) кеч соат 8 да **Мишка Стрекачёвнинг ажойиб саёҳати**, кеч 9-40 минутда **Мексика осмони тагида**.

«9 МАЙ» — **Мафтунингман** (ўзбек тилида).

«ИСКРА» — 1 ва 2- залда кундуз ва кечқурун **Қоя остидаги уй**, 3- залда кеч соат 8-20 минутгача **Рақиблар рулда**.

«ФЕСТИВАЛЬ» — **Рақиблар рулда**.

КАФАНОВ номли — кеч 8 да **Мишка Стрекачёвнинг ажойиб саёҳати**, кеч 9 яримда **Рақс ўқитувчиси** (1 ва 2- серия).

«КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» — кундуз ва кечқурун **Қоя остидаги уй**, кундуз соат 4 ва кеч 10 да **Леди Гамильтон**.

ПУШКИН номли — кеч соат 8-20 минутда **Мишка Стрекачёвнинг ажойиб саёҳати**, кеч 10-10 минутда **Қоя остидаги уй**.

Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида 12, 13 сентябрда

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ

катта концертлари

Концертда: СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Ғулом Абдураҳмонов**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Шаҳодат Раҳимова, Фотима Борухова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Мавлуда Аъзамова, Аюб Қодиров, Карим Алиев**, Жаҳон фестивали лауреатлари **Раъно Қурбонова, Фозил Харротов, Қаҳрамон Дадаев, Ғафур Иноғомов**, солистлардан **Ранма Ҳакимова, Латофат Аҳмедова, Жума Бобоев, Ҳайрулла Хўжаевлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Чинозда эркаклар қани?

— Районда эркаклардан қанча теримчи бор?— райкомнинг иккинчи секретари Ўртоқ Балмашовдан сўрадик.

У бундай савол берилишини кутмаган экан, ажабланиб елкасини қисди.

— Бизда теримчиларнинг умумий сони маълум, холос.

Район статистика бошқармаси ҳамда район қишлоқ хўжалик инспекциясидаги ўртоқлар ҳам бу саволга худди шу хилда жавоб бердилар. Демак, район раҳбарлари эркаклар пахта теримида бевосита қатнашаяптими ёки йўқми, деган масалага қизиқиб қарамаганлар.

Хўш, бу ишга колхоз раҳбарлари қандай қарамоқдалар? Олдинги гилдирак қаёққа юрса, кейинги гилдирак ҳам ўша ёққа юради. Район раҳбарлари қандай музика чалсалар, колхоз раҳбарлари ҳам шунга жўр бўлмоқдалар.

«XXI партсъезд» колхози аъзолари бу йил 1593 гектар ерга чигит экиб, давлатга 4939 тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Бу юксак мажбуриятни бажариш учун ҳозирги кунда асосий ишчи кучларини теримга тўла сафарбар этиш лозим. Аммо колхозда пахта теримидек муҳим ва ҳал қилувчи ишда фақат хотин-қизларгина қатнашаяпти, эркаклар эса қорасини кўрсатмай, паналаб юришибди, деса бўлади. Пахта тераётган эркаклар эса хўжа кўрсин учун нариданбери далага чиқиб-келиб юришибди, хотин-қизлар терган пахтанинг лоақал чорак қисмини ҳам теришмаяпти. Улар фақат савлат учун этак тутиб юришибди.

Бу колхознинг қирда 4 та, пастда 11 та бригадаси бор. Шундан пастдаги 10 та бригадада жами 464 киши бўлиб, улардан 301 киши теримга қатнашаяпти. Бу бригадалардаги 241 эркакдан фақат 62 киши этак тутиб, қўл учида пахта теряпти.

Ўртоқ Шакар Ҳабибов бошлиқ бригададаги 25 эркакдан 2 киши, Аҳмад Нурмуҳамедов бошлиқ бригададаги 35 эркакдан 7 киши, Норқул Қаршибоев бошлиқ бригададаги 37 эркакдан 2 киши пахта теримига жалб этилган. Бошқа бригадаларда ҳам аҳвол айнан шундай.

Хўш, пахта теримига жалб этилган бу эркаклар қандай ишлаяпти? Агар бу ҳақда колхоз раҳбарлари билан суҳбатлашиб қолсангиз, дарҳол колхоз комсомол ташкилотининг секретари Тўймурод Дўсановни тилга олиб, мақтана бошлайдилар. Дўсанов ўтган йили мавсумда 17 тонна пахта терган. Унинг асли вазифаси клуб мудири. Бу йил 15 тонна пахта териш мажбуриятини олиб, шу кунларда 240—250 килограммдан пахта тераяпти, дейдилар. Бу жуда яхши. Лекин Дўсанов колхоздаги эркаклар ичида ягона, холос. Айрим эркаклар борки, ишни шу зайлда давом эттирсалар Дўсановнинг бир кунда терган пахтасини 36 кунда аранг териб улгуришлари мумкин. Жумладан, 4-бригаданинг аъзоси Тиллабой Нўрматов кунига 7 килограммдан пахта териб, ҳаммани «йўлда қолдириб кетди».

9-бригаданинг теримчиларидан Шаҳри Ҳамроқулова, Ҳосият Худойқулова, Санамой Худойқулова, Умидой Кенгашева сингари хотин-қизлар кунига 110—124 килограммдан пахта тераётган бўлсалар, улар билан ёнма-ён ишлаётган аъзамат йигит Ҳусан Рустамов бор-йўғи 23 килограммдан пахта териб, хирмонга «аранг» кўтариб келяпти!

Бундан кўриниб турибдики, рўйхатда теримга қатнашаётган эркакларнинг сони 62 киши бўлса ҳам, салмоғи йўқ.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Олимқул Раҳмонқулов эркакларнинг кўплари пахта заводида, хирмонларда, пахта қуритиш, ташиш билан банд, бир хиллари шофер ва аравакаш деди. Ҳисобласак, мана шу ишларда 136 киши банд экан. Агар шу кунларда колхозда 30—32 тоннадан пахта териб топширилаётганини ҳисобга олганда, бу ишларда банд бўлган эркакларнинг ҳар бирига 300 килограммдан пахтани қуритиш, ортиш, ташишга тўғри келар экан. Демак, бу соҳада ҳам эркакларнинг сони кўп-у, қилган ишларининг салмоғи йўқ. Иккинчи сўз билан айтганда, бу колхозда айни пайтда эркаклар ўз ўрнида эмас. Улар шундай долзарб кунларда ҳақиқий иш билан кўзга кўринишмаяпти. Шу туфайли ҳам район раҳбарлари эркаклардан неча теримчи борлигини билишмаса керак.

Бундай аҳвол фақат «XXI партсъезд» колхозидагина юз бераяпти деб бўлмайди. Район партия комитетининг бюросида Навоий номли колхоз пахта теримида ҳаммадан орқада қолиб кетгани муҳокама қилинди. Бу колхозда графикдаги 235 киши ўрнига 140 киши теримга жалб қилинган. 7 кунда 63 тонна ўрнига 33 тонна пахта терилган. Колхоз раиси Норбоев, партия ташкилотининг секретари Нортоев ўртоқлар ишни ўз ҳолига ташлаб қўйганлар.

Райкомдан вакил қилиб юборилган Исаева, Боқиев, Ким ва Қодиров ўртоқлар ҳам теримнинг қизитиб юборилишига яхши ёрдам бермаётирлар. Масалан, пахта пунктининг мудири ва райком вакили Қодиров колхозга ёрдам бериш ўрнига ишга ҳалақит берган. У колхоздан ўзи жўнатган пахтани пунктга боргач, қайтариб юборган.

Бу колхозда меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Ғўза парвариши даврида 382 киши қатнашган бўлса, пахта теримида бор-йўғи 140 киши ишлаяпти. 2-бригаданинг хирмонида ишлаб турган 4 кишининг ҳар бирига 200 килограммдан пахта қуритиш тўғри келади. Демак, бу колхозда ҳам кўп эркакларнинг ўрни бўш қоляпти. Шу сабабли 7 кунлик графикда кўрсатилган пахтанинг ярми терилган, холос. Райком бюроси колхоз раҳбарларига нисбатан чора кўрди. Райком вакили Қодиров топшириқни бажармагани учун колхоздан чақириб олинди.

Лекин райком бюросида колхоздаги ишчи кучларининг ярмини ташкил қиладиган эркакларни бевосита теримга сафарбар қилиш, уларнинг унумли меҳнат қилишларини таъминлаш ҳақида гап бўлмади.

Чиноз райони ҳозир пахта теримида орқада қоляпти. Бунга, даставвал, колхозлардаги эркакларнинг теримга қатнашмаётгани, қатнашаётганлари ҳам кўз кўрсин учун этак тутиб, яхши ишламай юрганликлари сабаб бўлаётир.

Районда бирорта ҳам колхоз 7 кунлик графикни бажармаган. Бошқача қилиб айтганда, эркакларнинг ўрни бўш қолган. Хўш, Чиноздаги эркаклар қани, қачон улар ўзларини кўрсатадилар ёки ҳамма оғирликни хотин-қизларга ташлаб қўйиб, ўзлари чап бериб юраберадиларми?!

Босит ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ЭРКАКЛАР: Барака топ, тезроқ терақол, яхши ҳам сен бор экансан...

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040,135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р 08284. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1877.